

Қуръонда ҳижоб ва ўраниш масаласи

Борлиқ ато этувчи ва Раҳмли Аллоҳ номи билан

Кириш

Қуръони Каримда ҳижоб сўзи етти марта келган бўлиб, бу етти ўринда унинг маъноси бир нарса иккинчи нарсанинг кўринишини тўсувчи ёки кўринишига тўсқинлик қилувчи дегани. Демак, ҳижоб «тўсувчи» ва «тўсқинлик қилувчи» маъноларини англатади ва тўсиқ ҳам икки хил бўлади: моддий ва маънавий. Ҳар икки тўсиқ оятларда келган бўлиб, биз уларни шу ўринда кўздан кечирамиз:

Моддий тўсиқ:

﴿فَقَالَ إِنِّي أَحْبَبْتُ حُبَّ الْخَيْرِ عَنْ ذِكْرِ رَبِّي حَتَّى تَوَارَتْ بِالْحِجَابِ﴾

У: «Албатта, мен Роббимнинг зикридан кўра дунё ишқига берилиб кетиб, ҳатто (қуёш) тўсиқ ила беркинибди-ку!» (Сод сураси, 32-оят)

Луғатшунос олим Ибн Асир айтади: «Оятдаги ҳижобдан мурод уфқдир.»¹ Айрим тафсирчи олимлар: «Ҳижобдан мурод қуёшнинг беркинишидир», деб айтганлар.

﴿فَاتَّخَذَتْ مِنْ دُونِهِمْ حِجَابًا فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا سَوِيًّا﴾

«Ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганда, Биз унга Ўз руҳимизни (Жаброилни) юбордик. Шунда, у унга бус-бутун одам сиймосида намоён бўлди.» (Марям сураси, 17-оят) Бу ўринда «тўсиқдан мурод девордир»² деб айтилган.

﴿وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَاعًا فَاسْأَلُوهُنَّ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ﴾

«Қачонки улардан (Пайгамбарнинг завжаларидан) бирор нарса сўрасангиз, тўсиқ (парда) ортидан сўранг.» (Аҳзоб сураси, 53-оят)

1. Ибн Асир, *Ан-Ниҳоя фий гарийбил ҳадиси вал асар*, 7 – асар, 102 – бет.

2. Шайх Тусий, *Ат-Тибён тафсири*, 7 – асар, 102 – бет.

Ушбу ояти карима сарвари олам Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг завжалари ҳақида айтилган бўлиб, оятдаги ҳижоб (тўсиқ)дан назарда тутилган маъно уларнинг номаҳрамларга кўриниб қолишларига моне бўладиган парда каби бўлган тўсиқдир.

﴿وَبَيْنَهُمَا حِجَابٌ وَعَلَى الْأَعْرَافِ رِجَالٌ يَعْرِفُونَ كُلًّا بِسِيمَاهُمْ﴾

«Уларнинг ораларида тўсиқ бор, аъроф (номли макон)да кишилар бор бўлиб, ҳаммаларини сиймоларидан танирлар» (Аъроф сураси, 46-оят).

Ушбу ояти каримада ҳам ҳижоб (тўсиқ)ни, кўришнинг олдини оладиган моддий тўсиқ деб тушиниш мумкин.

Маънавий тўсиқ:

﴿وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكْلِمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بِإِذْنِهِ مَا يَشَاءُ إِنَّهُ عَلِيُّ حَكِيمٌ﴾

«Аллоҳ башар билан сўзлашмаган, магар ваҳий орқали, ёки тўсиқ ортидан ёхуд элчи юбориши билан сўзлашган. У зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур. Албатта, У зот ўта олий ва ўта ҳикматлидир» (Шўро сураси, 51-оят).

Аллоҳ таолони моддий кўз билан кўриш мумкин бўлмагани учун мажозий таъбир билан ҳижоб (тўсиқ) ортидан сўзлашган деб баён қилинган.

﴿وَقَالُوا قُلُوبُنَا فِي أَكِنَّةٍ مِمَّا تَدْعُونَا إِلَيْهِ وَفِي آذَانِنَا وَقْرٌ وَمِنْ بَيْنِنَا وَبَيْنِكَ حِجَابٌ فَاعْمَلْ إِنَّا غَامِلُونَ﴾

Улар: «Қалбларимиз сен даъват қилаётган нарсдан ғилофлардадир, қулоқларимизда оғирлик бор, сен билан бизнинг орамизда эса, тўсиқ бор. Демак, сен амалингни қилавер, биз ҳам, албатта, ўз амалимизни қилгувчилармиз», дедилар. (Фуссилат сураси, 5-оят)

Муфассирларнинг айтишларича, ояти каримадаги пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан кофирлар ўртасидаги

ҳижоб (тўсиқ) бу – уларнинг ул зотга қарши чиққанликлари ёки уларнинг Исломни қабул қилишда Пайғамбарга муҳолиф эканликларидир.

Аллоҳ таоло бошқа бир оятда бу ҳақда шундай марҳамат қилади:

﴿وَإِذَا قُرَأَتِ الْقُرْآنَ جَعَلْنَا بَيْنَكَ وَبَيْنَ الَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِالْآخِرَةِ حِجَابًا مَّسْتُورًا﴾

«Қачон Қуръон қироат қилсанг, сен билан охирагга иймон келтирмайдиганлар ўртасида кўринмас тўсиқ қилурмиз» (Исро сураси, 45-оят).

Ушбу ояти каримадаги ҳижоб (тўсиқ)дан мурод кофирларнинг Қуръон маъноларини англай олмасликларидир. Юқорида келтирилган ояти карималарда ҳижоб бирор нарсанинг кўринишини тўсувчи тўсиқ ёки парда маъносидадир. Аммо биз баён қилмоқчи бўлган аёллар ва хотин-қизларга фарз қилинган ҳижоб ва ўраниш ҳукми Қуръони Каримнинг бошқа оятларида ҳижобдан ўзга иборалар билан баён этилган. Ниҳоят бурро ва фасоҳатли иборалар билан Қуръони Каримда аёлларга ҳижоб ва ўраниш вожиб қилинган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳижоб кўришнинг олдини олувчи тўсиқ ёки парда демакдир. Аҳзоб сурасининг 53-оятда мусулмонларга қарата: *«Қачонки улардан (Пайғамбарнинг аёлларидан) бирор нарса сўрасангиз, тўсиқ (парда) ортидан сўранг»* айтилган буйруқ асосида, бегона эркаклар Сарвари оламнинг завжаларини кўрмасликлари ва улар ҳар жиҳатдан кўзлардан узоқ ва беркинган ҳолда бўлишлари вожиб қилинган. Ҳолбуки, муслима аёлларга вожиб қилинган ҳижоб ва ўранишдан кўзланган ҳукм уларнинг бутун вужудини беркитиш эмас, балки ушбу мавзуга доир ояти карималарда баён этилган жойларни ёпишдан иборатдир, холос.

Энди аёлларга ҳижоб ва ўранишни буюрган оятларни кўздан кечирамиз:

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ۗ ذَٰلِكَ أَرْكَىٰ لَهُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾ وَقُلْ لِلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا ۗ وَلَا يَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ ۗ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ أَوْ آبَائِهِنَّ أَوْ آبَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ أَبْنَائِهِنَّ أَوْ أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ أَوْ إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِنَّ أَوْ بَنِي أَخَوَاتِهِنَّ أَوْ نِسَائِهِنَّ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ أَوِ التَّابِعِينَ غَيْرِ أُولِي الْإِرْبَةِ مِنَ الرِّجَالِ أَوِ الطِّفْلِ الَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا عَلَىٰ غَوْرَاتِ النِّسَاءِ ۗ وَلَا يَضْرِبْنَ بِأَرْجُلِهِنَّ لِيُعْلَمَ مَا يُخْفِينَ ۗ مِنْ زِينَتِهِنَّ ۗ وَتَوْبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهُ الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٣١﴾

«(Эй Муҳаммад,) мўминларга айт: кўзларини (номахрам аёлларга қарашдан) тийсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар. Ана шу (иш) улар учун покроқдир. Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларидан хабардордир.»

«Мўмина аёлларга айт: кўзларини (эркакларга нисбатан шаҳватли нигоҳлардан) тийсинлар. Ва авратларини (зинодан) сақласинлар ҳамда кўриниб турадиган (яъни юз, кафтлар ва оёқларнинг тўпиқдан паст қисми)дан бошқа зийнатларини кўрсатмасинлар. Рўмоллари билан кўксиларини тўсиб юрсинлар. (Токи, бўйин ва кўксилари кўринмасин.) Зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига ё оталарига ё эрларининг оталарига ё ўғилларига ё эрларининг ўғилларига ё ака-укаларига ё ака-укаларининг ўғилларига ё опа-сингилларининг ўғилларига ё диндош аёлларига ё ўз қўлларида мулк бўлганларга (чўриларга) ёки аёлларга ҳожати бўлмаган эркак хизматчиларга ё аёллар авратининг фарқига бормаган ёш болаларга (зийнатларини ошкор этсалар майли). Улар махфий зийнатлари билинсин деб юрганда оёқларини (ерга) урмасинлар. Аллоҳга барчангиз тавба қилингиз, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар» (Нур сураси, 30 ва 31-оятлар).

Ояти кариманинг шаъни нузули (нозил бўлганлик сабаби)

Юқорида келтирилган Нур сурасининг 30-оятининг шаъни нузули ҳақида Кофий китобида бешинчи имомимиз Муҳаммад Боқир *(алайҳис салом)*дан қуйидагича нақл қилинган:

Ансордан бўлган бир йигит йўлда кетаётиб тўсатдан бир аёл билан юзма-юз бўлади. Ўша пайтларда аёллар рўмолларини орқага қилиб боғлардилар ва натижада уларнинг бўйинлари, кўксилари ва кўкракларининг бир миқдори кўришиб турарди. Шунда ўша аёлнинг жамоли мазкур йигитнинг назарини ўзига жалб этади ва натижада йигитнинг кўзи унга тикилиб қолади. Аёл ўтаётганида йигит ҳам кўзи билан уни кузатиб йўл юриб борарди. Тор кўчага кириб қолган бўлса ҳам, орқасидаги аёлга қаттиқ тикилганча бораварди. Шунда ногаҳон юзи деворга тегиб кетиб, девордаги ўткир шиша унинг юзини тешиб юборди. Аёл ўтиб кетгач, йигит ўзига келади ва юзидан оқаётган қон кийимларига тушаётганини кўради. Йигит бу ҳолатдан қаттиқ ранжиб, ўзига шундай дейди: Аллоҳга қасамёд этаманки, Расулуллоҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ҳузурларига бориб, юз берган ҳодисани ул ҳазратга сўзлаб бераман. Сарвари оламнинг кўзлари унга тушиши билан нима бўлди? деб йигитдан сўрайдилар. Йигит рўй берган ҳодисани айтиб бўлгач, ўша заҳотиёқ ваҳий фариштаси бўлмиш ҳазрат Жаброил *(алайҳис салом)* нозил бўлиб ушбу ояти каримани Расулуллоҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*га келтирди.³

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ ...﴾

Нур сурасининг 30 ва 31-оятлари иффат, ҳаё, ҳижоб ва ўраниш ҳақида нозил бўлгани учун бу икки оятни бир жойда кўриб чиқиш лозим.

Ояти кариманинг биринчи буйруғи: *«Мўминларга айт: кўзларини (номаҳрамларга қарашдан ва назар қилиш ҳаром этилган нарсаларга назар солишдан) тийсинлар ва фаржларини сақласинлар».*

﴿قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَ يَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ﴾

3. Шайх Хур Омийй, Васоилуш-шиа, 14-жилд, 139- бет ва шунингдек, Нурус-сақалайн ва Рухул маоний номли тафсир китобларида бир оз тафовут билан ояти кариманинг остида баён қилинган.

يَغُضُّوا калимаси غَضٌّ ўзагидан олинган бўлиб, қисқартириш ва тийиш маъносини англатади ва кўп ўринларда товушни пасайтириш ёки қарашни қисқартириш ва тийиш маъноларида ҳам қўлланади. Мазкур ояти каримада мўминлар кўзларини номаҳрам ва ҳаромдан юмсинлар деб айтилмаган, балки улар кўзларини тийсинлар ва нигоҳларини қисқартирсинлар деб айтилган. Бу эса ўта нозик таъбир бўлиб, агар инсон номаҳрам аёлга дуч келганда, кўзини буткул юмадиган бўлса, у ҳолда йўл юриши ёки йўлни давом эттириши мумкин бўлмай қолади. Аммо агар эркак киши кўзини номаҳрам аёл баданининг тузилиши ва зийнатидан буриб кўзини ерга олса, у ҳолда нигоҳини қисқартирган ва тийган бўлади, бу билан қарашлик тақиқланган саҳнани нигоҳи доирасидан четлатган бўлади.

Диққатга сазовор бўлган нарса шуки, Қуръони Карим кўзни нимадан тийиш кераклигини чеклаган ҳолда айтмаган ва бу эса қараш ҳаром бўлган барча нарсалардан кўзни тийиш зарур эканлигига далил бўла олади. Айниқса, кейинги ояти карима ҳижоб ва ўраниш ҳақида нозил бўлганини инобатга олсак, номаҳрам аёлларга қарамаслик назарда тутилгани маълум бўлади. Оят нозил бўлганлиги ҳақидаги шаъни нузул ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ояти кариманинг иккинчи буйруғи фаржни сақлашдан иборат. Лекин бу ўринда фарж сўзи инсон авратидан киноя қилиб келтирилган. Бу оятда фаржни сақлашдан мурод уни бошқалар нигоҳидан беркитмоқдир. Бу борада олтинчи пешвоимиз имом Жаъфари Содиқ *(алайҳис салом)* дан ривоят қилинган ҳадисда шундай марҳамат қилганлар:

كل آية في القرآن فيها ذكر الفروج فهي من الزنا إلا هذه الآية فإنها من النظر

«Қуръони Каримда фаржни сақлаш тўғрисида келган барча оятларда зинодан сақланиш кўзда тутилган. Фақат ушбу оятдагина фаржни сақлашдан мурод уни бошқалар нигоҳидан беркитишдир.»⁴

Кўпларнинг нафсоний истак ва хоҳишларига монанд бўлган бу ишдан нима учун ислом қайтарган? деган фикр юзага келиши мумкинлиги боис, оятнинг охирида: *ذَلِكَ أَرْكَبِي لَهُمْ* «Ана шу (нигоҳни тийиш) улар учун *покроқдир*» деб айтилади.

4. Сиқатул ислом Кулайний, Усули кофий китоби ва Нурус-сақалайн тафсири, 3-жилд, 587 ва 588- бетлар.

Кейин эса ҳою ҳавасга берилиб билган ҳолда номаҳрам аёлларга қарайдиган ва бу ишнинг беихтиёр рўй берганини айтадиганларни огоҳлантириб: «Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларидан хабардордир» деб уқтирилади.

Нур сурасининг кейинги оятида, яъни 31-оятда ҳам ушбу мавзуга доир аёлларнинг вазифаси баён этилади ва дастлаб уларнинг эркакларга ўхшаш вазифасига ишора қилиниб айтилади: **«Мўмина аёлларга айт: кўзларини (эркакларга бўлган шаҳватли нигоҳлардан) тийсинлар ва фаржларини сақласинлар»** ﴿وَقُلْ لِّلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ﴾

Демак, Аллоҳ таолонинг Нур сураси 31-оятдаги буйруғига биноан, шаҳватли нигоҳ эркакларга ҳаром бўлганидек аёлларга ҳам ҳаромдир ва шунингдек, аёлларга эркаклар сингари авратларини бошқалардан хоҳ эркак бўлсин ёки аёл беркитиш вожибдир.

Сўнгра ушбу ояти кариманинг давомида аёлларга хос бўлган ҳижоб ва ўраниш масаласи тўрт ибора билан баён этилади:

1. «Аёллар зийнатларини ошкор этмасинлар, магар табиий ҳолда зоҳир бўлган зийнатлар бўлса майли» ﴿وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا﴾

Аёллар беркитишлари зарур бўлган зийнат нима эканлиги ва шунингдек, кўрсатишлари жоиз бўлган зийнатдан нима назарда тутилганлиги ҳақида муфассирлар ўртасида турли фикрлар билдирилган.

Айримлар яширин зийнатни табиий зийнат (аёл кишининг чиройли бадани) деб айтганлар, ҳолбуки зийнат сўзи бу маънода жуда оз қўлланади.

Айрим муфассирлар эса зийнат деганда унинг тақиш жойини тушунганлар. Зеро, сирға, билакузук ва бошқа тақинчоқлар каби зийнатнинг ёлғиз ўзини ошкор этиш тақиқланмаган, балки қулоқ, бўйин, қўл ва билаклар каби зийнат жойини ошкор қилиш тақиқланган.

Баъзилар ҳам чиройли қилиб кўрсатувчи тақинчоқларни аёлнинг баданида бўлган ҳолдагина зийнат бўла олади деб айтганлар. Албатта, бундай зийнатни ошкор этмоқ тақинчоқлар тақилган баданни кўрсатиш билан бирга амалга ошади. Охирги икки тушунча, агарчи икки хил таъбир билан айтилган бўлса-да, бироқ бир натижага эга.

Агар биз мазкур оятни олдиндан муҳокама қилмай туриб унинг зоҳирий маъносига асослансак, билдирилган фикрлар орасидаги учинчи тушунча оятнинг зоҳирий маъносига тўғри келади. Демак, аёллар одатан яширин бўлган зийнатларини, агарчи баданлари намоён бўлмаса-да, ошкор этишга ҳақли эмаслар. Шунга биноан, аёллар ўзларига хос бўлган зийнатий кийимларини кийиб номаҳрам эркакларга кўрсатишлари жоиз эмас ва Қуръони Карим нигоҳидан бу иш ҳаром ҳисобланади. Нега деганда, Қуръон бундай зийнатларни ошкор этишдан қайтарган. Аҳли-Байтдан бўлган имомларимиздан нақл қилинган ҳадисларда ҳам яширин зийнатни бўйинга тақадиган занжир, билакузук ва оёққа тақиладиган кўнғироқлар деб тафсир қилинган. Бошқа кўпгина ҳадисларда узук, сурма ва шунга ўхшашлар зоҳир бўлган зийнат деб айтилгани учун яширин зийнатдан мурод беркитиладиган зийнат эканлиги маълум бўлади.

2. «Аёллар рўмоллари билан кўксиларини тўсиб юрсинлар.» (Токи, бўйин ва кўксилари кўринмасин.) ﴿وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ﴾

Аёлларнинг ҳижоб ва ўранишига оид бўлган ушбу ояти каримада **خُمْر** (хумур) сўзи кўплик шаклида келган бўлиб, унинг бирлик шакли **خِمَار** (химор) **حِجَاب** ҳижоб вазнидадир. **خِمَار** (химор)нинг маъноси аёлларга хос бўлган соч, бўйин ва кўкракни беркитувчи рўмолга ўхшаш бош кийим демакдир.

غَيْب (жайб) сўзи кўплик шаклида бўлиб, унинг бирлиги **جَيْب** (жайб) (ғайб) вазнидадир. Ушбу сўз кўйлакнинг ёқаси маъносида бўлиб, мазкур оятда ушбу сўзнинг мажозий маъноси, яъни томоқ ва бўйин назарда тутилган. Шунингдек, кўкрак билан томоқ ёнма-ён бўлгани учун **جُيُوب** сўзи кўкрак қисмининг юқорисини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Шуни ҳам эслатиб ўтмоқ лозимки, **جُيُوب** (жуйуб) сўзининг бирлиги бўлган **جَيْب** (жайб) калимаси бир марта Намл сурасининг 21- оятида, бошқа бир марта Қасас сурасининг 22- оятида ва ушбу сўзнинг кўплиги эса ушбу мақолада сўз юритилаётган Нур сурасининг 31- оятида келган.

Юқоридаги ояти каримадан маълум бўладигани, оят нозил бўлишидан олдин муслима аёллар рўмолларини бошларига боғлаб, қолган қисмини елка ёки орқаларига ташлар эдилар. Шунинг учун бўйин ва

кўкракларининг оз миқдори кўриниб турарди. Ушбу ояти карима нозил бўлиши билан аёллар рўмолларини бўйин ва кўксиларига ташлаб баданларининг мазкур қисмларини тўсиб юришга буюрилдилар. Токи, бўйинлари ҳам, кўкракларининг очиқ қисми ҳам номахрам эркаклардан беркитилсин. Албатта, ояти кариманинг юқорида баён этилган шаъни нузулидан ҳам бу маъно яққол тушунилади.

3. Юқоридаги ояти каримада муслима аёллар ҳижоб ва рўмолларини очиб, яширин зийнатларини ошқор этишлари жоиз ва мумкин бўлган ўринлар ҳам қуйидагича баён қилинади:

Улар зийнатларини кўрсатмасинлар ﴿وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ﴾

Магар ўн икки жойда зийнатларини ошқор эта оладилар:

1. Эрларига ﴿إِلَّا لِبُعُولَتِهِنَّ﴾
2. Оталарига ﴿أَوْ آبَائِهِنَّ﴾
3. Эрларининг оталарига ﴿أَوْ آبَاءِ بُعُولَتِهِنَّ﴾
4. Ўғилларига ﴿أَوْ أَبْنَائِهِمْ﴾
5. Эрларининг ўғилларига ﴿أَوْ أَبْنَاءِ بُعُولَتِهِنَّ﴾
6. Ака-укаларига ﴿أَوْ إِخْوَانِهِمْ﴾
7. Ака-укаларининг ўғилларига ﴿أَوْ بَنِي إِخْوَانِهِمْ﴾
8. Она-сингилларининг ўғилларига ﴿أَوْ بَنِي أَخْوَانِهِمْ﴾
9. Диндош аёлларига ﴿أَوْ نِسَائِهِمْ﴾
10. Ўз қўлларида мулк бўлганларга (чўриларга) ﴿أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَانُهُنَّ﴾
11. Аёлларга ҳожати бўлмаган тобе эркакларга (жинсий истаги бўлмаган телба ва ақли оз эркакларга) ﴿أَوْ التَّابِعِينَ غَيْرِ أُولِي الْإِرْتَبَةِ مِنَ الرِّجَالِ﴾
12. Аёллар авратининг фарқига бормаган ёш болаларга

﴿أَوِ الطَّغْلِ الَّذِينَ لَمْ يَظْهَرُوا عَلَى عَوْرَاتِ النِّسَاءِ﴾

4. Ояти каримадаги тўртинчи ҳукм қуйидагича баён қилинган: *«Улар махфий зийнатлари билинсин деб юрганда оёқларини (ерга) урмасинлар».*

﴿وَلَا يَضْرِبْنَ بِأَرْجُلِهِنَّ لِيُعْلَمَ مَا يُخْفِينَ مِنْ زِينَتِهِنَّ﴾

Жоҳилият даврида аёллар оёқларига ҳам турли тақинчоқлар, қўнғироқлар тақиб олишар экан. Кейин эса, эркакларнинг эътиборини ўзларига жалб этиш учун юрганда оёқларини ерга қаттиқ-қаттиқ уриб, ўша тақинчоқларнинг овозини чиқаришар экан. Бу эса, ўз навбатида эркакларнинг шаҳватини кўзғаб, аёлнинг ортидан тушиб хиралик қилишига ва охир-оқибат зинога олиб бориши мумкин бўлгани боис, Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримада бундай амални тақиқлаган. Бизнинг давримизда ҳам аёлларнинг пошнаси баланд пойафзалларни оёқларига кийиб олиб, кўчаларда юрганда ўша оёқ кийимлардан чиқадиган товушлар худди жоҳилият давридаги аёлларнинг оёқларига турли тақинчоқлар ва қўнғироқлар тақиб олиб эркакларнинг эътиборини ўзларига жалб этаётган бўлиб кўринади. Шунинг учун бундай пойафзалларни кийиш муслима аёлларга тўғри ва жоиз бўлмайди.

Демак, мўмина-муслима аёллар иффат ва ҳаёли бўлиш йўлини тутиб, эркакларнинг қалбида шаҳват ўтини алангалайдиган, уларнинг нопоклик ва зино томон оғишларига сабаб бўладиган ҳар қандай ишлардан сақланиб бу борада жиддий ва кескин бўлишлари лозим. Ҳатто улар оёқларидаги тақинчоқлар ва қўнғироқларнинг ёки ҳозирги даврда пошнаси баланд пойафзалларнинг овозини эркаклар қулоғига эшиттиришдан ҳам сақланишлари зарур.

Аллоҳ таоло ояти кариманинг ниҳоясида эркак ва аёллардан иборат барча мўминларни Ўзи томон қайтиб тавба қилишга чақиради: *«Аллоҳга барчангиз тавба қилингиз, эй мўминлар! Шоядки, нажот топсангизлар».*

﴿وَتُوبُوا إِلَى اللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَا الْمُؤْمِنُونَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ﴾

Оятнинг охирида тавба қилишга чақирилганининг маъноси шуки, агар авваллари Аллоҳ таолонинг ҳижоб ва ўраниш борасидаги ҳукмидан беҳабар бўлганлиги сабабли ўзини номаҳрам эркаклардан ёпмаган

мусулмон аёллар ҳижоб фарз қилинганлигини билгач, Аллоҳнинг бандаси ўлароқ, Унинг фармони баробарида таслим бўлсинлар ва очик юрганликларидан пушаймон бўлиб, қилган гуноҳларидан тавба қилсинлар. Зероки, нажот ва ютуқ фақат Тангри таолонинг даргоҳига юзланиб, Унинг ҳукмларига бўйин сунтидир, холос. Инсон ҳаётида хавли тойишлар ва адашишлар эҳтимоли кутилади, бундай ҳолатларда фақат Худонинг фазлу марҳамати билангина нажот топиш мумкин.

Мусулмон аёлларга ҳижоб ва ўраниш вожиб эканлиги хақидаги иккинчи ояти карима:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لَأَزُوجَكَّ وَبَنَاتِكَ وَنِسَاءَ الْمُؤْمِنِينَ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلَابِيبِهِنَّ ۚ ذَلِكَ أَدْنَىٰ أَنْ يُعْرَفْنَ فَلَا يُؤْذَيْنَ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا﴾

«Эй Пайгамбар, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини (узун рўмолларини ёки бутун баданларини ёпадиган кенг кийимларини) ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша уларнинг (ким эканликлари) танилиб, озорга учрамасликлари учун энг яқин (услугбдир). Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳмли зотдир» (Аҳзоб сураси, 59-оят).

Юқоридаги ояти каримани чуқурроқ тушиниш учун унинг шаъни нузулини (нозил бўлганлик сабабини) кўриб чиқиш лозим. Ушбу оят учун икки шаъни нузул айtilган.

Биринчи шаъни нузул; Али ибн Иброҳимнинг тафсирида шундай баён қилинган: Ўша кунларда (Исломнинг илк чоғларида) муслима аёллар масжидга борар ва Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг орқаларида намоз ўқир эдилар. Оқшом пайти улар мағриб (шом) ва ишо (хуфтон) намозини ўқиш учун масжидга бораётганларида, кўчада санқиб юрган айрим дайди йигитлар ножўя сўзлар билан аёлларга гап отиб, уларга озор берардилар. Юқоридаги ояти карима нозил бўлиб, муслима аёлларга ҳижоб ва ўраниш вожиб эканлиги уқтирилди. Токи, улар чўри аёллардан яхшироқ танилиб, ҳеч ким уларга озор етказа олмасин.

Ўша тафсир китобида ояти кариманинг иккинчи шаъни нузули борасида шундай айtilган: Мадинаи Мунавварада бўлган бир гуруҳ мунофиқлар сарвари олам Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)

айрим ғазавот (уруш)ларга борганларида, ул зот ҳақларида турли уйдирмаларни халқ орасида тарқатардилар. Баъзида: Пайғамбар ўлдирилдилар, деб айтардилар ва баъзан эса: Ул ҳазрат асир тушдилар, деб миш-миш тарқатардилар. Жангга боришга кучи етмай, Мадинада қолган мусулмонлар бу хабарларни эшитиб, қаттиқ ранжирдилар. Сўнгра Пайғамбар Мадинага қайтиб келганларида, мусулмонлар ул зотга бу ҳақда шикоят қиладилар. Шунда ушбу ояти карима нозил бўлиб, уйдирма гапларни тарқатувчиларни таҳдид этади.

Нур сурасининг олдинги оятларида Расулulloҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ва мўминларга озор бериш тақиқланганлигининг давоми ўлароқ, ушбу оятда ҳам озор беришнинг яна бир мавридига ишора этилиб, унинг олдини олиш учун икки услуб қўлланилади.

1. Ушбу оятда мўмина-муслима аёлларга фасод-бузғунлик қилмоқчи бўлганлардан ҳар қандай узр-баҳонани олиб қўйиш буюрилади.

2. Сўнгра эса ўта кескин кайфиятда уйдирма гапларни тарқатувчи мунофиқлар таҳдид остига олинадилар.

Шунга биноан, Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада *Ўз Пайғамбарига шундай буюради: «Эй Пайғамбар, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини (узун рўмолларини ёки бутун баданларини ёпадиган кенг кийимларини) ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша уларнинг танилмоқлари ва озорга учрамасликлари учун яқинроқдир».*

Танилмоқларидан нима назарда тутилгани борасида икки назар тафсирчи олимлар орасида мавжуд бўлиб, бу иккала назар бир-бирига зид эмас.

1. Ўша замонда чўрилар бош ва бўйинларини беркитмай, очик ҳолда ташқарига чиқишлари оддий ҳол бўлган ва улар ахлоқий жиҳатдан яхши вазиятда бўлмаганликлари учун гоҳида айрим дайди йигитлар уларга тўқинардилар. Шунга биноан, ҳур ва озод аёлларга ўзларини номаҳрам эркаклардан ёпишлари вожиб қилинди. Токи, улар чўри аёллардан танилиб, бунинг натижасида халақит берувчилар томонидан озорга учрамасинлар.

Маълумки, бу сўзнинг маъноси санқиб юривчи дайди йигитлар чўри аёлларга озор етказишга ҳақлари бор дегани эмас, балки бузғунчилар узр-бахоналар келтириб ножўя хатти-ҳаракатлар қилишларининг олдини олиш назарда тутилган.

Бу ерда яна бир ингичка масалага диққат қилиш лозим. Ҳижоб ва ўранишнинг фарзлиги нафақат хур ва озод аёлларга, балки чўри аёлларга ҳам тааллуқлидир. Аммо Исломнинг илк даврида жангларида асир тушган ёки сотиб олинган чўри аёллар кўпинча мусулмон бўлмаганлари сабаб ушбу ҳижоб ҳукми хур ва озод аёлларга қарата баён қилинган. Акс ҳолда мазкур ҳукм барча муслима аёлларга, хоҳ хур ва озод бўлсин ёки чўри бўлсин тааллуқлидир.

2. Мўмина-муслима аёлларнинг танилмасликларидан мурод улар ўзларининг чиройли бадан ва зийнатларини номаҳрам эркаклардан беркитишда эътиборсиз ва бепарво бўлмай, Аллоҳ таолонинг мусулмон аёлларга ҳижоб ва ўраниш вожиб эканлиги ҳақидаги ҳукмига амал қилмоқлари зарур. Акс ҳолда кўча ва хиёбонда юрган айрим ҳавасбоз эркакларнинг диққатини ўзларига жалб этиб, жамиятда зино ва бузғунликлар юз беришига сабабчи бўладилар.

Юқоридаги ояти каримада келган «*жилбоб*» сўзидан нима маъно назарда тутилгани ҳақида муфассирлар ва луғатшунослар томонидан бир неча назар билдирилган:

1. Малҳафа: Рўмолдан узунроқ кийим бўлиб, у билан аёллар бош, бўйин ва кўксиларини ёпадилар. Ушбу маънони луғатшунос олим Ибн Асир ўзининг Ан-Ниҳоя китобида жалб ўзагининг изоҳида келтирган.

2. Айримлар жилбобни айнан рўмол деб билганлар. Бу ҳақда Шайх Тусий Ат-Тибён китобида Ибн Аббос ва Мужоҳиддан шундай нақл қилади: Жилбоб аёллар уйдан чиқаётганда, пешана ва бошларини боғлайдиган рўмол демакдир.⁵

3. Бутун баданни қамраб оладиган кенг кўйлак. Тафсирчи олим Қуртубий бу ҳақда ёзади: Жалобийб сўзи жилбобнинг кўплиги бўлиб, рўмолдан анча каттароқ ва бутун баданни тўсадиган кийимдир.⁶ Шунингдек, Муҳаммад Ғавс жилбобдан мурод аёл кишининг бутун

5. Шайх Тусий, Ат-Тибён тафсири, 8- жилд, 327- бет.

6. Қуртубий, Ал-Жомеъ лиаҳкомил Қуръон тафсири, Аҳзоб сурасининг 59- ояти тафсирида.

баданини беркитадиган кийим эканлигини айтади.⁷ Буюк муфассир аллома Таботабойи ҳам бу ҳақда ёзади: Жалобийб сўзи жилбобнинг кўплиги бўлиб, аёл киши уни устига ташлайди ва унинг бутун танасини ёпади.⁸

Агарчи жилбоб сўзи борасида айтилган маънолар хилма-хил бўлса-да, лекин уларнинг ҳаммаси танани беркитадиган кийим эканлигига ишора этадилар.

Аммо жилбоб сўзи тўғрисида айтилган маънолар орасидан «*бутун баданни тўсадиган устки кийим*» деган тушунча бошқа маънолардан кўра, тўғрироқдир. Зеро, يُذْنِبُ буйруғи «*яқин қилсинлар*» маъносида бўлиб, ушбу ояти каримада аёллар жилбобларининг икки тарафини бир-бирига яқин қилишга буюрилганлар. Токи, бутун чирой ва зийнатлари номаҳрамлар нигоҳидан беркитилсин. Демак, жилбоб тўнга ўхшаш бўлиб, аёлларнинг бутун танасини беркитадиган бир кийимдир.

Айримлар ушбу ояти каримадан фойдаланиб аёллар юзларини ҳам ёпишлари зарур эканлигини айтганлар, бироқ мазкур оят бу маънони англатмайди ва жуда оз муфассирлар юзни ҳам беркитишни оятнинг маъносидир деб тушунганлар.

Демак, ушбу ояти каримадан маълум бўладиги, ҳижоб ва ўраниш ҳукми ҳур ва озод аёллар учун бу оятдан олдин ҳам нозил бўлган, бироқ айрим мусулмон аёллар соддалик юзасидан ҳижоб ҳукмига енгил қараб, унга риоя этмаганликлари учун ушбу ояти карима ҳижоб ва ўранишга нисбатан аҳамиятли бўлишга чақириб, ушбу ҳукмни таъкидлаган.

Ушбу ҳукм нозил бўлганлиги кўпгина мўмина аёлларни ўтмишларига нисбатан безовталантиргани боис, оятнинг якунида шундай қўшимча қилинади: «*Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳмли зотдир*».

Бунинг изоҳи шуки, сиз мўмина-муслима аёллар ҳижоб ва ўраниш ҳукмига амал қилишда сустлик қилишингиз нодонлик ва билмаслик юзасидан бўлгани учун Аллоҳ таоло сизларни кечиради. Шу боис, тавба қилиб Унинг томон қайтинг, ифбат ва ҳижобга оид вазифангизни тўқис бажаринг.

7. Муҳаммад Ғавс, Насрул маржон тафсири, эски чоп, 5- жилд, 435- бет.

8. Аллома Таботабойи, Ал-Мийзон фий тафсийрил Қуръон, 16- жилд, 339- бет.

Бинобарин, ҳижоб ва ўранишга оид бўлган оятлардан қуйидаги хулосага келамиз;

Мўмина-муслима аёлларнинг шарафини сақлаш учун Аллоҳ таоло уларга ҳижоб кийиб ўранишни буюрган. Демак, улар Тангри таолонинг амрига итоат этиб, авратларини номаҳрам эркаклардан беркитмоқлари лозим. Улар бошларига ўраган рўмоллари фақат сочларини эмас, балки бўйинлари, кўксилари ва кўкракларини ҳам тўсиб туриши шарт. Токи, уларнинг жамоли бегона кўзларга мўлжал бўлиб, турли фитналар келтириб чиқармасин. Бунинг учун эса, юз ва икки кафтларидан ташқари бутун таналарини тўсиб турадиган кийим киймоқлари лозим. Зеро, аёл кишининг номаҳрам эркакларга нисбатан аврати юзи ва икки кафтидан бошқа бутун баданидир. Бундан ташқари, аёлларнинг кийими ўта нозик, баданга ёпишган ва тор бўлмаслиги ҳам зарур.

Шунингдек, мусулмон аёллар ҳижоб ҳақидаги оятларга амал қилиб, ички ва яширин зийнатларини ҳам номаҳрамлардан беркитмоқлари зарур. Ички зийнат деганда чиройли кийимлар, тақинчоқлар ва аёллар ўзларини чиройли кўрсатиш учун ишлатадиган турли воситалар кўзда тутилади. Айтилганларга риоя қилинган тақдирдагина Аллоҳ таоло Қуръонда буюрган ҳижоб ва ўраниш ҳисобланиб, номаҳрам эркакларнинг эътиборини жалб қилмайдиган бўлади.

Ҳижоб кийишнинг сабаб ва ҳикматлари

Шак-шубҳасиз, айримлар биз яшаётган даврни жинсий озодлик ва яланғочлик асри деб номлаган ҳамда Ғарб маданиятига тобе бўлган шахслар хотин-қизларнинг очик-сочик юришларини озодликнинг бир тури деб билганлар. Бундайларнинг фикрича, ҳижоб ва ўраниш борасида сўз юритиш ноўрин бўлиб, бу ҳолат ўтган замонларга тааллуқлидек кўринади. Бироқ эндига келиб ушбу қайд-шартсиз очик-сочикликдан юзага келган бузғунлик ва муаммолар сабабли ҳижоб кийиш хусусидаги суҳбатларни тинглайдиганлар сони кўпаймоқда.

Бу ўринда диққатга сазовор масала шуки, жинсий алоқадан ташқари кўриш, эшитиш ва тегиш йўллари билан аёллардан фойдаланиш ҳамма эркакларга мумкин бўлиши керакми? Ёки бундай фойдаланишларнинг барчаси уларнинг эрларига хосми? Бошқа таъбир билан айтганда, аёллар баданларини ҳаммага кўрсатиб, эркакларнинг нопок хою ҳаваслари-ю,

уларнинг шахватларини қўзғаш бўйича бепоён мусобақа ва кимўзар ишига киришиб кетишлари керакми? Ёки бу ҳолат жамият муҳитидан буткул четга сурилиб, эр-хотинлик муносабатига чекланиб қолиши керакми?!

Ислом дини иккинчи ҳолатни, аёллар ўзларини ва бутун чиройларини фақат эрларига кўрсатишлари кераклигини ва ўзларини жамиятга чиққанда, ёпиб юришлари зарурлигини қабул қилгани учун ҳижоб кийишни мусулмон аёлларига фарз қилган. Ҳолбуки, хою ҳавасга берилган ғарбликлар ва Ғарбга тобе бўлганлар биринчи ҳолатни қабул қилиб, аёлларнинг хилма-хил ва ярим яланғоч ҳолатда ҳамманинг кўз олдида намоён бўлишларини хоҳлайдилар. Ислом таълимотига кўра, барча турдаги лаззатланишлар, хоҳ кўз билан кўриш, қулоқ билан эшитиш ва қўл билан тегиш бўлсин ёки жинсий алоқа бўлсин, эрларга хос бўлиб, бундан бошқача бўлган тақдирда гуноҳ ҳисобланади ва жамиятнинг булғанишига олиб келади. Ҳижоб хусусидаги ояти кариманинг ушбу жумласида айтганимизга ёрқин ишора қилинган:

ذَلِكَ أَزْكَى لَهُمْ «Ана шу (нигоҳни тийиш) улар учун покроқдир».

1. Демак, ҳижоб кийишнинг биринчи ҳикмати инсонлар нафсининг поклигини муҳофаза этиш бўлиб, ушбу ҳикмат эркаклардан нигоҳларини тийишлари ва аёллардан эса баданларини ёпишларини тақозо этади ва бу эса инсон руҳи ва жисмининг покиза бўлишига олиб келади. Зеро, аёлларнинг очиқ-сочиқ юриши безаниш ва нозу карашма билан бирга бўлгани сабаб эркаклар, айниқса ўспирин йигитларни доим қўзғалиш ҳолатида қўяди ва бундай ҳолат эса уларнинг асаблари бузилишига, асабий ҳаяжонланишларининг юзага келишига ва баъзан руҳий хасталикларга олиб келади. Инсоннинг асаб тизмаси қанчалик ҳаяжон босимида бардош бера олади, деб ўйлайсиз. Ҳамма психолог шифокорлар: доимий равишда давом этувчи ҳаяжон бемор бўлишга сабаб бўлади, деб айтганлар.

Хусусан, инсондаги жинсий хоҳиш-истак энг кучли ва негизли ғариза (инстинкт) бўлганини, ушбу жинсий мойиллик тарих бўйлаб қонли тўқнашувлар ва хавфли жиноятларга олиб келганини ва барча муҳим ҳодиса-воқеаларда аёлларнинг роли ва таъсири бўлганини назарга олсак, хотин-қизларнинг очиқ-сочиқ ва ярим яланғоч ҳолда кўча-кўйда юришлари йигитлардаги жинсий ғариза (инстинкт)ни қўзғаб, унинг алангаланишига ва бунинг натижасида фожиали дардга олиб келиши айна ҳақиқат!! Бундай ишни қандайига тўғри деб баҳолаш мумкин?!

Ислом дини мусулмон эркак ва аёлларнинг ором ҳолдаги руҳиятга, соғлом асабга ҳамда пок кўз ва қулоққа эга бўлишларини хоҳлайди ва бу эса ҳижоб кийишнинг ҳикматларидан биридир.

2. Аниқ ва ҳужжатли кўрсаткичларнинг маълум қилишича, дунёда ярим яланғочлик кўпайиши билан ажрашиш ва оилаларнинг бузилиши кун сайин ортиб бормоқда. Негаки, кўз кўрган нарсасини эсда сақлаб, ўжар ҳою ҳаваслар эса қай йўл билан бўлса ҳам ўша нарсанинг ортидан боради. Шу тартибда ҳар бир аёлни кўриши билан унга юрак боғлайди ва бошқасини кўрганда, олдингисини унутиб янгисига кўнгил кўяди. Аммо аёллар ҳижоб кийган муҳитда юқорида айтилган муаммолар юзага келмай, эр-хотин бир-бирларига боғлиқлик ва самимийлик ҳис этадилар. Бироқ ярим яланғочлик шароитида аёлларнинг жинсий жозибаторлигидан ёвуз мақсадларда фойдаланиб уларни тарғибот воситасига айлантиришади. Бундай ҳолда аёлларнинг инсонийлик ўрни ва шарафи савол остида қолиб, Исломда муқаддас бўлган оила тузими ва эр-хотинлик алоқаси маъносиз бўлиб қолади. Шунда оилалар ўргимчакнинг уяси сингари тезда бузилиб кетади, гўдаклар ва ёш болалар қаровчисиз қолишади.

Шунга биноан, Исломда аёлларга ҳижоб кийиш фарз қилинганлигининг асосий сабабларидан бири уларнинг инсоний ўринларини сақлаш ва жамиятдаги мартабаларини юксалтиришдир. Зеро, аёл киши нафосат ва гўзаллиги билан аёл бўлишидан ташқари бир инсон бўлгани боис, унинг инсоний қадр-қиммати сақланиб қолиши лозим. Агар аёл киши чирой ва нафосати билан эракакларнинг кўз олдида намоён бўлсалар, уларни кўрган эркаклар бу аёллар эркак кишининг лаззатланиши учун яралган бир нарсадир деган фикрга борадилар. Бу ҳолда аёл кишининг илмий, ҳунарий истеъдоди каби инсоний хусусиятлари унинг жилваланиши остида йўққа чиқади. Шунда эркаклар уни шахсиятсиз бир кимса ўрнида кўриб, эркакларнинг жинсий эҳтиёжини қондирадиган ва тарғибот воситаси (масалан, иқтисодий мақсадларни амалга ошириш учун турли молларни тарғибот қилишда, кутиш залларининг жозибасини оширишда ва сайёҳларнинг назарини жалб этишда аёлларнинг жинсий жозибасидан фойдаланиш) сифатида қўлланадиган бир нарса деб унга қарайдилар. Бу эса аёллар учун улкан фожиадир.⁹

9. Жаводий Омулий, Абдуллоҳ, «Аёл жамол ва жалола кўзгусида», 38-бет, Исро нашриёти.

3. Аёллар ҳижоб кийишининг ҳикматларидан бири уларнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий тармоқларда фаол иштирок этишлари учун замин ва шароит яратишдир. Аёллар жамиятнинг яримини ташкил этувчи инсонлар сифатида ўзларидаги истеъдод, қобилият ва бунёдкорлик кучини ишга солиб, сиёсий, ижтимоий ва маданий тармоқларда фаолият кўрсатишга ҳақлидирлар. Бунинг учун эса аёллар ўзларининг аёликка хос бўлган нафосат ва чиройларини ҳижоб кийиб ўраниш билан беркитмоқлари лозимдир. Токи, уларнинг аёллик жинсига хос хусусиятлари ҳижоб остида беркиниб, касб этган ихтисос ва илм-фанда оширган малакалари асосида жамиятнинг турли тармоқларида фаолият кўрсата олсинлар. Бошқа таъбир билан айтганда, аёллар ҳижоб кийиш билан ўзларининг жинсий жозибаларини яширсалар, бунинг ўрнига фикр, зукколик, ташаббускорлик, бунёдкорлик ва илмий қобилият каби уларнинг инсоний хусусиятлари юзага чиқади. Демак, аёлларнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларда фаол иштирок этишлари учун ҳижоб кийиб нафосат ва чиройларини беркитишлари ва эркаклар билан аралашиб кетишдан сақланишлари керак бўлади.

Тарбия соҳаси олимларининг амалга оширган илмий тадқиқотига кўра, қиз ва ўғилларнинг аралаш ҳолда дарс ўқийдиган мактабларда ва эркагу аёллар биргаликда ишлайдиган жойларда ахлоқий бузғунлик, ялқовлик, қолоқлик ва масъулиятсизлик ошқора кузатилган.

Бу борада пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* шундай марҳамат қилганлар:

«*باعدوا بين أنفاس الرجال والنساء فإنه إذا كانت المعاينة واللّقاء كان الداء الذى لا دواء به*»

«Эркаклар ва аёлларнинг ўртасини ажратинг. Зеро, агар улар ўртасида юзма-юз кўришиш ва учрашиш бўлса, жамият давоси бўлмаган дардга учрагай.»¹⁰

4. Аёлларга ҳижоб кийиш вожиб қилинганининг ҳикматларидан бири эркаклар ва аёллар ўртасидаги табиий жозибани мувозанатга келтиришдир. Яратилиш қонунига асосан эркак ва аёл ўртасида табиий жозиба мавжуд бўлиб, ушбу жозиба бу иккала жинснинг оила куриб бахт-

10. Ал-Ажалоний, Исмоил бин Муҳаммад, «*Кашфул хифаа ва музийлул албаас*», 3-жилд, 304-бет, Байрут, Дорул кутубил илмийя нашриёти, иккинчи нашр, 1408-ҳижрий қамарий йили.

саодатли яшашлари учун зарурдир. Аммо бу табиий жозибанинг меҳвари (барча нарсалар унинг атрофида ҳаракатланувчи бир ўк, ўзак) аёл киши бўлиб, ояти карималарда эркак ва аёл ўртасидаги осойишталикни сақлашда аёл киши биринчи ўринда кўрилган.

Психологияда қўлга киритилган маълумотларга кўра, аёл табиий жозибанинг жилваси бўлиб, эркак кишини ўз тарафига тортади. Эркакни тузоққа илинтирадиган нарса унинг нигоҳи ва қараши бўлгани учун Нур сурасида дастлаб эркакларга нигоҳларини тийишлари буюрилган ва кейин эса аёлларга нигоҳларини тийишлари ҳамда нафосат ва чиройларини ҳижоб кийиб ўраниш билан яширишга буюрилган. Токи, эркаклар ва аёллар ўртасидаги табиий жозоба мувозанатга келтирилиб, ҳаддан ошиш ва ахлоқий бузуқликларнинг олди олинсин.

Шунинг учун, аёлларнинг ҳижоб кийиб ўраниши ушбу табиий жозибанинг мувозанатга келишига сабаб бўлади ва бу илоҳий неъматнинг ўз йўлида қарор топишига олиб келади. Бошқа таъбир билан айтганда, аёл кишининг ўзини безаш ва гўзалликни ёқтириш ҳиссиёти, унинг ташқи чирой ва нафосати ва табиий жозибаси фақатгина ўзининг умр йўлдошига чекланиб қолиши зарур. Зеро, аёлларнинг мазкур хусусиятлари инсонлар орасида ошқор этилганда фикс-фасод тарқатувчи бўлса, ўз оиласига чекланганда эса ижобий таъсир кўрсатади ва оила пойдеворининг мустаҳкамланишига сабаб бўлади.¹¹

5. Аёлларга ҳижоб кийишнинг яна бир сабабларидан бири жамиятнинг руҳий саломатлигини таъминлашдир. Жамият уч унсурдан ташкил топган; 1. Инсонлар, 2. Ижтимоий тузум, 3. Бу иккаласининг ўртасидаги алоқалардир. Учинчи унсурдан иборат инсонлар ўртасидаги алоқалар жамиятнинг энг муҳим масалаларидан саналади. Инсонлар икки гуруҳдан; мувофиқ жинслар ва муҳолиф жинслардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир гуруҳдаги жинс ўзига хос хусусиятларга эгадир. Эркаклар билан эркаклар ва аёллар билан аёллар ўртасидаги алоқа осонроқ қонун-қоидаларга бўйин сунади. Зероки, мувофиқ жинслар ўртасидаги алоқаларда хатар озроқ бўлади. Аммо муҳолиф жинслар ўртасидаги алоқалар эса мураккаброқ шаклда бўлади. Шунга биноан, иккинчи турдаги алоқалар учун махсус қонун-қоидалар қабул қилинган, токи ушбу алоқалардаги хавф-хатарлар миқдори озайсин.

11. Таййиби, Ноҳид, Ифбатлиликнинг хушбўйлиги, 155 ва 156-бетлар, Жомият Аз-Захро нашриёти, биринчи нашр.

Аёлларнинг ҳижоб кийиб ўраниши бутун алоқалар тизимида жамиятнинг руҳан соғломлигини кафолатлайди. Шунга биноан, шахс ва жамиятнинг руҳий осойишталигини таъминлаш учун Аллоҳ таоло томонидан чиқарилган қонун-қоидаларга бўйин сунмоқ лозим. Шубҳасиз, жамиятда фисқ-фасод ва бузукликнинг кен ёйилиши ва никоҳсиз болалар сонининг кўпайиши ҳам ҳижобсиз ҳолда очиқ-сочиқ юришнинг энг дардли оқибатларидандир. Ушбу икки омил, яъни фисқ-фасод ва никоҳсиз болалар жамиятда содир этиладиган турли жиноятларнинг негизи эканлигини назарга олсак, ҳижоб кийишнинг жамиятда нақадар улкан аҳамиятга эга экани маълум бўлади.

Бунга мисол ўлароқ, Англияда ҳар йили кўрсатиладиган кўрсаткичга кўра, беш юз минг никоҳсиз бола туғилади. Англия олимлари бу борада давлат ходимларига хатар эълон қилганлар, бу эса ахлоқий ва диний нуқтаи назардан эмас, балки нопок болалар жамиятнинг хавфсизлигига туғдирган хатарлар учун ҳамда кўплаб жинойи ишларда бундай болаларнинг кўли борлиги сабабли бўлган. Бундан маълум бўладики, ҳатто дин ва унинг кўрсатмаларига ишонмайдиганлар учун ҳам фасод ва бузғунликнинг жамиятда тарқалиши фожиали ҳолат ҳисобланади. Айтилганларга биноан, жамиятда жинсий бузукликни кенг ёядиган ҳар қандай омил жамият хавфсизлигига таҳдид саналади ва унинг оқибати қандай бўлганда ҳам зарарлидир. Бундай ёмон оқибатларнинг олдини олиш учун бутун борлиқни яратган ҳикматли зот бўлмиш Аллоҳ таоло тарафидан ҳижоб кийиш аёлларга фарз қилинган.

Ҳижоб кийишнинг аҳамияти ва зарурлиги

Кийишга бўлган мойиллик инсон табиатининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланиб, Одам ато (*алайҳис салом*) ва Момо Ҳаво яратилишининг тарихига бориб тақалади. Инсон яратилиши биланоқ шарм-ҳаё ҳиссиёти асосида кийишга нисбатан эҳтиёж ҳис этиб имкон қадар ўзини бекитиб кийишга одатланган. Инсон табиатида хавф-хатардан ўзини ҳимоя қилиш ҳамда нафсини тийиш орқали бошқаларга йўл-йўриқ кўрсатишни ўзида ҳаё билан мужассам этган.

Одам ато ва Момо Ҳаво ҳақида Қуръони Каримнинг муборак Аъроф сурасининг 22-оятда айтилишича, Шайтон ёлғон ҳамда иғво билан уларни ўз мавқеларидан пастга туширди. Одам ато ва Момо Ҳаво Шайтоннинг иғвосига тушиб тақиқланган дарахт мевасидан татиб

кўришди ва натижада уларнинг авратлари очилиб бир-бирларига очик таналари кўринди. Шунда улар жаннат япроқларидан ўзларининг авратларини бекитишга шошилишди.

Одам ато ва Момо Ҳавонинг ушбу ҳаракатлари шуни кўрсатадики, демак, инсонда шарм-ҳаё ҳиссиёти ва ўзининг танасини кийим билан ёпиш инсоннинг асл табиий фитратидандир.

Мутафаккирлар ва руҳшуносларнинг билдирган фикрларига кўра, аёл ўзининг туғма илҳоми билан ўзининг ўрни ва мавқеини ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилади ҳамда бегона эркаклардан ўзини узоқроқ тутди. Ва шунингдек, аёлнинг ўзига хос табиий хусусиятларидан яна бири унинг уятчанлиги ва ҳаёли бўлишидир. Шак-шубҳасиз, аёл бегона эркаклар олдида ўз ўрни ва мавқеини билса, ўзини ифбатли, покиза ва виқорли тутса ҳамда ўзининг танаси ва баданини кўча-кўйдаги ёт-бегоналарга кўз-кўз қилиб намоёиш этмаса, ана ўшанда аёл кишининг ҳурмати шу даражада ошадики, жамиятда унга нисбатан юксак эҳтиром ва иззат шакилланади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг муборак Аҳзоб сурасининг 59-оятида:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لَأَزُوجِكُمْ وَنِسَاءَ الْمُؤْمِنِينَ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلَابِيبِهِنَّ ۗ ذَلِكَ أَدْنَىٰ أَنْ يُعْرَفْنَ فَلَا يُؤْذَيْنَ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا﴾

«Эй Пайғамбар, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини (узун рўмолларини ёки бутун баданларини ёпадиган кенг кийимларини) ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша уларнинг танилмоқлари ва озорга учрамасликлари учун яқинроқдир. Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳмли зотдир» деб буюрган.

Ушбу оятда Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га дастлаб ўз жуфтлари ва қизларига жилбобларини ўзларига яқинлаштиришни буюришга амр этмоқда.

Жилбоб бу – узун рўмол ёки бутун баданни ёпадиган устан кийиладиган кенг либосдир. Мўмина аёлни бошқа аёллардан ажратиб турадиган бу кийим турли мусулмон ўлкаларда турлича бўлган. Лекин

ҳаммаси ҳам мўмина аёлни ёмон кўзлардан сақлаш, унинг жамиятдаги ҳурмат-иззатини қўриқлаш каби вазифаларни адо этиб келмоқда.

Исломдан олдинги жоҳилият даврида аёллар очик-сочик юришар эди. Улар турли кийимлар кийиб, кўча-кўйда эркакларнинг эътиборини ўзларига тортишга ҳаракат қилишарди. Шунинг учун, фосиқ ва фожир кишилар уларнинг ортларидан тушишар, гап отишар ва турли қилиқлар қилишар эди. Ўша фосиқ ва фожирларга мўмин кишилар эътироз билдириб, Ислом дини мўмина аёлларга бундай муносабатда бўлишни ман қилганини айтганларида, улар биз буларнинг мўмина эканини билмабмиз, мўмина эмас, балки чўри бўлса керак, деб ўйлабмиз, - дейишарди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* бу борада шундай марҳамат қилганлар:

«Аёл балозатга етгандан сўнг ундан юзи ва мана бу жойларидан бошқа жойи кўриниши ҳалол эмас», - деб ўз билакларини тутамлаб кўрсатдилар. Ушлаган жойлари билан кафтлари орасида яна бир тутамча жой қолди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* аёлларни мўътадил ва ўрта-миёна ҳолда зийнатланиб юришга рухсат берганлар. Аммо шу билан бирга, зебу-зийнатга ҳаддан ортиқ берилиб кетиб, шариатга хилоф иш қилишдан қаттиқ қайтарганлар.

Шундай қилиб, Исломда гўзалликдан завқланиш ва баҳра олишнинг ҳалол ва тўғри шакли йўлга қўйилган. Аёлларнинг чиройи ва зебу-зийнатлари бегона эркакларнинг ҳирсларини кўзғаш ҳамда кўз-кўз қилиш учун эмас, балки ўзларининг жуфти ҳалолларига ҳалол завқ ва баҳра берадиган шаклда бўлмоғи зарур.

Шунингдек, Қуръони Каримда аёлларга шаҳват кўзи билан қарамаслик эркакларга ҳам айтилган:

قُلْ لِلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ۗ ذَٰلِكَ أَزْكَىٰ لَهُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾

«[Эй Расулимиз,] мўминларга айт, кўзларини [номаҳрам аёлларга қарашдан] тийсинлар ва авратларини [ҳаромдан] сақласинлар! Ана шу улар учун энг пок [йўл]дир. Албатта, Аллоҳ

улар нима иш қилаётганларидан хабардордир» (Аҳзоб сураси, 30-оят).

Исломдаги кўрсатмаларнинг барчаси жамиятда беҳаёлик, шаҳвоний бузуқлик, фаҳш сўзлар, жинсий ахлоқсизликлар, зино ва фоҳишабозлик тарқалишининг олдини оладиган чоралардир. Ушбу илоҳий йўл-йўриқларга бандалар чин ихлос билан амал қилган тақдирдагина жамият мазкур ифлосликлар ва ижтимоий касалликлардан йироқ ва пок бўлади.

Ҳижоб кийиш ва ўраниш хусусидаги илоҳий амру фармонларни ҳақиқий мўмина аёллар Пайғамбар (с.а.о)га итоат ва Аллоҳга улкан ибодат деб билиб уни олқишлайдилар. Чунки, уларнинг қалблари илоҳий нур ила мунаввар бўлгани сабаб, уларнинг нафслари ўз зийнатларини кўз-кўз қилишни истаса ҳам, аммо улар Аллоҳнинг фармонига сўзсиз бўйсуниб ҳижоб кийиш ва рўмол ўраш билан иффат, ҳаё ва покдомонлик йўлини тутадилар. Жоҳилият даврида аёллар иффат ва шарм-ҳаё билан кийинишни билмасдилар. Шу боис, улар чиройларини кўз-кўз қилишда бир-бирлари билан мусобақалашар, соч ўримларини, бўйинларини, томоқларини, қулоқларидаги тақинчоқларини кўрсатиш билан бирга, гоҳида кўксиларининг юқори қисми ҳам намоён бўлар эди.

Ҳижоб ҳақида ояти карима нозил бўлгандан сўнг ушбу оятни мусулмон эркаклар ўз завжаларига, қиз ва сингилларига ҳамда ҳар бир қариндошларидан бўлган аёлларга тиловат қилдилар. Ўша пайт бирорта ҳам аёл қолмай, ҳаммаси дарҳол рўмолини олиб бошини ўради.

Аёл ўзига муносиб кийиниши билан ўзига хос гўзаллик касб этади ва буни аёлларнинг ўзлари тушуниб етмоқлари лозим. Шу ерда яна бир мисолга диққатингизни қаратсак. Дунёдан кўз юмган инсоннинг азасига борган аёллар бошларига рўмол ўрашга биринчи бўлиб шошиладилар. Таъзияга кетаётган аёллар бошқаларидан рўмол сўраб туришлари ҳам шу ҳақиқатни кўрсатади. Аммо бир оз ўтиб, ўлимни келтирувчи Аллоҳ эсларидан чиққанда рўмол ҳам эсларидан чиқади.

Ҳақиқий мўмина-муслима аёлларда эса бу ҳолат мутлақо бўлмайди. Чунки, улар Аллоҳ таолони бир лаҳза ҳам унутмайдилар. Аллоҳнинг амридан бир лаҳза ҳам четга чиқмайдилар. Ҳар бир ишни Аллоҳ таолонинг динига, яъни азиз Исломга мос ва уйғун келгандагина бажарадилар. Ана

ўша ҳолатнинг кўркамли кўриниши мўминаларнинг шариатга мувофиқ ҳолда вақорли кийинишларида намоён бўлади.

Шак-шубҳасиз, аёллар ҳар бир уммат ва миллатнинг кучини ёки заифлигини кўрсатиб турувчи аниқ белгидирлар. Улар ҳар бир уммат ва миллатнинг тараққиёти ёки қолақлигини ўлчайдиган тўғри ўлчовдирлар.

Ҳар бир жамиятнинг аҳли солиҳ бўлиши ундаги оилаларнинг аҳли солиҳ бўлишига боғлиқ. Аёли йўлдан чиққан оиланинг ўзи ҳам йўлдан чиқади, иши орқага кетади. Худди шундай оиласи йўлдан чиққан жамиятнинг ўзи ҳам йўлдан чиқади ва инсоний тубанликка учраб таназзулга юз тутади.

Исломдан олдинги жоҳилият даврида аёллар оёқларига ҳам турли тақинчоқлар, кўнғироқлар тақиб олишар экан. Кейин эса улар эркакларнинг эътиборини жалб этиш учун оёқларини ерга қаттиқ-қаттиқ уриб юриб, ҳалиги тақинчоқларнинг овозини чиқаришар экан. Бу эса ўз навбатида эркакларнинг шаҳватини кўзгаган, аёлнинг ортидан тушиб хиралик қилиш ва оқибат зинога олиб бориши мумкин бўлган.

Шунинг учун аёллар махфий зийнатларини ошкор этиш мақсадида ўша зийнатларининг овозини қасдан чиқаришга ҳаракат қилишлари ҳам Исломда таъқиқланди.

Рухшунос олимларнинг таъкидлашларича, баъзи одамларда аёлларнинг чиройини кўриб шаҳвати кўзғимаса ҳам, улардаги зийнатларнинг овозидан ҳирслари уйғонар экан. Ҳолбуки, Қуръони Карим бу ҳақиқатни бир минг тўрт юз йил муқаддам баён қилиб бу бузуқликнинг олдини олган.

Мўмина-муслима аёлларга бегона эркакларнинг шаҳватини кўзғатиб, фитнага сабаб бўлмасликлари учун нафақат хирсни кўзғатувчи овоз чиқариш, балки шунга восита бўлиб қоладиган бошқа нарсалар ҳам жоиз эмаслиги Қуръони Каримда таъкидлаб айтилган. Шунинг учун ҳам мўмина-муслима аёлларнинг кўчага хушбўй атирлардан сепиб чиқишлари ҳам Ислом динида ман этилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, муслима аёлларнинг кийимлари дунёдаги энг гўзал, энг чиройли, энг одобли, энг яхши ва энг муҳими эса Аллоҳнинг амрига мувофиқ бўлган кийимлардир. Инсон учун бундан ҳам ортиқ шараф бўлиши мумкинми?! Шунинг учун ҳам бундай кийимларга

Аллоҳни унутган, Аллоҳдан кўрқмаганларгина қарши чиқадилар. Чунки, Ислом душманлари агар муслималар динларига тўлиқ амал қилсалар, Ислом уммати енгиб бўлмас кучга айланишини яхши биладилар. Бу масалани барча мусулмонлар яхши англаб етишлари ва шунга яраша ҳаракат қилишлари лозим.

Ҳозирги ёшларнинг одоб-ахлоқ, илму фан бобидаги муваффақиятлари кўзга кўринарли даражада. Бундан қувонамиз, фахрланамиз. Бироқ айрим ҳолларда кўча-кўйда, жамоат жойларида мусулмонларга мос келмайдиган тарзда кийиниб олган ёшларни, айниқса қизларни кўриб, кўнглимиз ранжиши ҳам бор гап.

Чуқур ва холис назар ташлаганда, кийиниш одоби миллийликка хослик, қадриятлар ва анъаналардан келиб чиқади. Зотан, азалдан мусулмон халқларида «Ҳаё ва ибонинг ташқи кўриниши бу – кийимдур», мазмунида ҳикматли сўз бор.

Қадимги устозлар ўз шогирдларини виқорли, салобатли кийинишга ундар эдилар. Чунки, бу ишда илмни ва илм аҳлини ҳурмат қилиш бор. Инсон кийим танлаётганида миллий ва диний қадриятлардан келиб чиқиб ўз танловини амалга оширгани яхши. Зеро, кийиниш маданияти инсоннинг диди ва дунёқараши қандай эканини кўрсатади.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасининг 35-оятда шундай марҳамат қилади:

إِنَّ الْمُسْلِمِينَ وَالْمُسْلِمَاتِ وَالْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَالْقَانِتِينَ وَالْقَانِتَاتِ وَالصَّادِقِينَ وَالصَّادِقَاتِ وَالصَّابِرِينَ وَالصَّابِرَاتِ وَالْخَاشِعِينَ وَالْخَاشِعَاتِ وَالْمُتَصَدِّقِينَ وَالْمُتَصَدِّقَاتِ وَالصَّائِمِينَ وَالصَّائِمَاتِ وَالْحَافِظِينَ فُرُوجَهُمْ وَالْحَافِظَاتِ وَالذَّاكِرِينَ اللَّهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ أَعَدَّ اللَّهُ لَهُمْ مَغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٣٥﴾

«Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар, ростгўй эркаклар ва ростгўй аёллар, сабр-қаноат қилгувчи эркаклар ва сабр-қаноат қилгувчи аёллар, тавозуъли эркаклар ва тавозуъли аёллар, хайру-садақа қилгувчи эркаклар ва хайру-садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, авратларини [ҳаромдан] сақлагувчи эркаклар ва авратларини [ҳаромдан] сақлагувчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар

ва [Аллоҳни кўп] зикр қилгувчи аёллар – ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва улуг ажрни тайёрлаб қўйгандир»

Албатта, ўз ўрнида шуни ҳам айтиш лозимки, кийим-кечакнинг озода бўлиши ва ярашиб туриши ҳам жуда муҳим ҳисобланади.

Энг аввал кийим билан авратли аъзолар ёпилади. Ёзнинг иссиқ, чанг-тўзонли кунларида, қишнинг қаҳратон совуқларию, қор-ёмғирли ва изғирин тўфонли паллаларида инсоннинг нозик бадани либос билан ҳимоя қилинади. Бундан ташқари, кийим инсоннинг кайфиятини, руҳиятини ҳамда ички олами ва маънавиятини, қолаверса қай даражада тарбияли эканини белгилаб беради.

Сиз азизларни Расулulloҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ушбу ҳадисларига қулоқ тутишга чақирамиз:

«Хотин киши беш вақт намозини ўқиса, Рамазон ойининг рўзасини тутса ҳамда покдомонлик йўлини тутиб эрига итоаткор бўлса, унга: «жаннатнинг хоҳлаган дарвозасидан кир», - дейилади»

Аллоҳ таоло яратган ҳар бир миллат ва элатнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари бор. Бу нарса илоҳий ҳикмат асосида жорий этилган. Хужурот сурасининг 13-оятида бу ҳақда шундай дейилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِّن ذَكَرٍ وَأُنثَىٰ وَجَعَلْنَاكُمْ شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا ۗ إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِندَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ

خَيْرٌ ﴿١٣﴾

«Эй одамлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ва бир-бирларингизни танишларингиз учун сизларни турли-туман халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг азизу мукаррамингиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билувчи ва хабардор Зотдир».

Демак, дунё халқларининг асли ва келиб чиқиши бир, яъни ҳаммалари Одам Ато ва Момо Ҳавонинг фарзандлари бўлишларига қарамай, ижтимоий ҳаёт тақозосига кўра, улар турли миллат ва элатларга бўлинганлар. Ва уларнинг бир-бирларидан фарқли равишда турли-туман

удум ва анъаналар билан ҳаёт кечиришлари эса азалдан Яратганнинг иродаси ва илму ҳикмати тақозо этган ҳақиқат экан. Юқоридаги ояти каримада инсонларнинг турли халқ ва миллат-элатларга бўлинишининг сабаби эса ўзаро танишиш, маърифат ҳосил қилиш эканлиги уқтирилган. Рум сурасининг 22-оятида ушбу мазмун янада аниқроқ баён этилган:

وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ ۚ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْعَالَمِينَ ﴿٢٢﴾

«Унинг [Аллоҳнинг] белгиларидан яна бири – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизнинг хилма-хиллигидир. Албатта, бунда барча оламлар учун белги-нишонлар бор».

Демак, ҳар бир халқ, миллат ва элатнинг ўзига хос урф-одатлари ва анъаналарига кўра, турли кўринишга эга кийимлари бўлади. Бу кийимларнинг барчаси одамларнинг нечоғлик маданият ва маърифат соҳиби эканидан дарак беради. Шу боис, покиза, айниқса янги либослар киши кайфиятини кўтариш билан кучига куч, қалбига жўшқинлик бағишлайди; табиатини очиб, кўнглини ёриштиради, ишларини ҳиммат ва ғайрат билан бажаришига боис бўлади. Худди шунингдек, нопок, ифлос кийимлар, аксинча, инсон кайфиятини туширади, куч-ғайратини кеткизади, кўнгилини тушкунликка солиб, табиатини хиралаштиради.

Хуллас, либослар кўнгил тубидаги гўзал ва пок ниятларни ҳамда орзуларни ифодалаши керак. Пайғамбаримиз Расули Акрам *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи вассаллам)* янги либос кийсалар ёки кийимларини алмаштирсалар:

«Эй Раббим, бу либослар билан менинг кўринишимни чиройли қилдинг! Ўзингга ҳамд-санолар бўлсин! Энди хулқу одобимни ҳам, амалларимни ҳам ана шундай гўзал ва ёқимли қилгин!», - деб дуо қилар эдилар. Шунга кўра, ушбу дуоларни ўқиш ва эслаб юриш суннат амаллардан ҳисобланади. Демак, бу ғоят савобли ишлардандир.

Бинобарин, инсон кийиб юрган либоси билан ўзининг ким ва тарбияси нечоғли экани, ўзининг таъби, диди ва табиати ҳамда бошқа кўз илғамас жиҳатларига ишора қилишни уқтиради. Ваҳоланки, ҳозирги кунда айримлар тасаввур қилаётганидек, зинҳор қимматбаҳо, дабдабали,

ҳашаматли, ялтир-юлтир ва ҳоказо кийимларни кийиш кишининг ақлли, фаросатли ва маданиятли эканини билдирмайди.

Юқоридаги сўзларимиздан келиб чиқиб шуни айтишимиз керакки, Аллоҳ таоло Ислом аҳлидан бўлган аёллар учун юксаклик ва улуғворликни хоҳлаб уларга ҳижоб ўрашни буюрган. Шу боис, ҳижоб кийиш мусулмон аёл учун машаққат эмас, шараф бўлиши керак. Чунки, у бу иши билан оламлар Парвардигорига бўйсунуши билан бирга, ўзидаги юқори фаросат, маърифат ва маданиятни намоён қилган бўлади. Ва шунингдек ҳижоб кийиш муслималар учун чиройли зийнат бўлибгина қолмай, уларнинг комил иймонли, хушхулқли, одобли, ифбатли ҳамда ҳаёли эканликларидан далолат ҳамдир.

Бу ерда муслима аёлларимизга мурожаатимиз шуки, улар ҳижобга эътиборсизлик қилишдан ва унга салбий муносабатда бўлишдан эҳтиёт бўлсинлар! Зероки, қайси бир инсон Аллоҳнинг ғазаби ва Унинг азобига дучор бўлган бўлса, шубҳасиз, бунинг ягона сабаби Аллоҳнинг ҳукмларини писанд қилмаслиги ёки уларга эътиборсиз бўлгани ёхуд уни ёмон кўриши бўлган. Шу боис, ҳижобга эътиборсизлик қилиш Аллоҳнинг буйруқларини писанд қилмасликдан бошқа нарса эмас. Шунингдек, Аллоҳ таолонинг буйруғига «лаббай», деб жавоб бериб, ҳижоб кийган ва шу йўлда бардавом бўлиб мустаҳкам турган аёл эса Аллоҳ таолонинг розилигига, Ул Зоти Покнинг ҳузуридаги буюк ажр-мукофотларга эришиши шубҳасиздир.

Ҳижоб тажовузга қарши

Бугунги дунё янгидан-янги ташвишлар ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Аммо шундай муаммолар ҳам борки, инсоният пайдо бўлгандан буён аёллар бу муаммоларга ҳар доим дуч келадилар. Бу – таъқиб ва тажовуздир. Баъзи даврларни истисно қилганда, аёлларга нисбатан тажовуз жамиятда долзарб муаммога айланмаган пайт бўлмаган бўлса керак!

Хўш, бугунги кунимизда бу ҳақда нима дейиш мумкин?

Қайғули статистик маълумотларга кўра, АҚШда аёлларнинг тахминан 22 фоизи жинсий таъқибга учраб зўрланган. Уларнинг 39 фоизи эса ҳаётида икки ва ундан ҳам кўп марта бу ҳолатга дуч келганлар. Уларнинг ярмидан кўпи 11 дан 24 ёшгача бўлган хотин-қизлар эканлигини ҳисобга

олсак, демак, «жинсий жиноятлар – ёшларнинг фожиасига айланган!». 75-80 фоиз ҳолларда зўрловчи ҳам, зўрланган ҳам бир-бирига таниш бўлган ҳамкасблар, қариндошлар ёки дўстлар бўлишган. Ваҳоланки, бу мамлакатда аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг ҳуқуқий жихатдан дахлсизлиги жуда яхши ҳимоя қилинади.

Россиядаги статистика юқоридагидан деярли фарқ қилмайди: аёлларнинг деярли тўртдан бири (улар асосан ёшлардан иборат) жинсий тажовузга учраган. Аммо Россияда бундай муаммолар билан ҳуқуқни ҳимоялаш органларига мурожаат қилиш (айниқса, бундай нозик масалада) ва ўз манфаатларини судда ҳимоя қилиш урф бўлмаганлиги туфайли, расмий статистика маълумотларига кўра аҳвол қониқарли.

Айни пайтда, мусулмон дунёсидаги худди шу муаммо билан боғлиқ вазиятга назар ташласак, бу ерда у қадар кескинлик йўқ. Ўз динининг тартиб-қоидаларига риоя қилувчи муслима аёл, ҳатто АҚШ каби «эркин ахлоқли» мамлакатда ҳам мутлақо тажовузга учрамайди.

Муслима аёл ўзининг ташқи кўриниши ва хатти-ҳаракати билан ҳар қандай тажовузни баратараф қилади. Мастура қиз (ҳижоб билан ёпинган аёл) ўзининг олий адолатга бўлган иймон ва ишончи билан ҳимояланганлигини намойиш этади.

Хўш, Аллоҳ таоло аёлларни одоб-ахлоқ бузилган, шарм-ҳаё ва ибодат пардаси кўтарилган ҳамда оила ва никоҳ деган нарсанинг ўзи йўқолиб бораётган баъзи жамиятларда қандай қилиб ва ниманинг воситаси ила ҳимоя қилади? деб сўрасангиз, албатта, ҳижоб билан, - деб жавоб берамиз! Фақат кийим-бош маъносида эмас, балки феъл-атвор, юриш-туриш ва турмуш тарзидаги ҳижоб билан!

Шубҳасиз, ҳижобдаги аёл – Ислоннинг рамзидир! Ҳижоб – аёлнинг чин эгаси Аллоҳ таоло эканлигини билдириб турувчи белгидир!

Ҳижоб – аёлнинг ожиза ва заифа эмас, ҳар қандай камситиш ва таҳқирларга нишон бўлган қуйи инсон эмас, балки ўзига хос эркинлиги, қадр-қиммати, ор-номуси, ҳурмат-эътибори билан ҳар қандай эркақдан кам бўлмаган чинакам инсон эканлигининг ҳужжатиدير.

Илм-Фан ҳам ҳижобнинг фойдали эканлигини тасдиқлади

Шак-шубҳасиз, ҳижоб – Ислом динида аёлларга фарз қилинган камтарона либос бўлиб, уларнинг гўзаллигини, баданларининг ҳажмини ҳамда қоматларини бегона кўзлардан тўсиб туради. Шу боис, муслима аёлларнинг деярли ҳаммаси ҳижобда ўзларини «ҳимояланган», «хавфсиз» ва «муҳтарама» ҳолда ҳис қилишларини айтадилар. Эндиликда эса бунинг илмий тарзда исботланган ҳикмати ва маъно-моҳияти борлиги аниқланди.

Психолог Сюзан Фиске (Suzan Fiske) ҳамда Принстон университетининг бир гуруҳ тадқиқотчилари соғлом эркаклар бош миясини магнит-резонансли томография воситасида текшириб кўришди. Текширилаётган эркакларга ярим яланғоч ҳамда тўлиқ кийинган эркак ва аёлларнинг бир қатор фотосуратлари кўрсатиб турилди. Шунда баданлари очиқ аёлларни кўрган эркакларда аниқ ва ошкор қўзғалиш кузатилди. Суратдаги аёлларнинг бадани қанчалик очиқ бўлса, эркаклар бош мия пўстлоғининг олд мотор ҳудуди ҳамда ўрта чакка қисмининг орқа томонида қўзғалиш шунча кучли бўлди. Маълумки, миянинг бу қисмлари асбоб-ускуналар билан ишлаш, қўлларнинг ҳаракати ва умуман бирор амалга ундаш каби хатти-ҳаракатларни бошқаради (Сикара, Дель-Амор).

«Гўё эркаклар шу заҳотиёқ ўзларида бу аёлларга нисбатан уйғонган истак-хоҳиш ҳақида ўйлай бошладилар», - деди Фиске хоним Чикагода бўлиб ўтган Америка фанни ривожлантириш уюшмасининг ҳар йили бўлиб ўтадиган учрашувида. «Улар бу фотосуратларга одамлар жонли жисмларга қарагандек қарадилар», - дейди у (Николсон).

Эркакларнинг ўзлаштириш қобилиятлари синаб кўрилганда, улар чўмилиш кийимларини кийган аёлларнинг юзлари кўрсатилмаган суратларини бошқаларга кўра яхшироқ эслаб қолганлари маълум бўлди, ваҳоланки, улар бу суратларга бор-йўғи бир лаҳза кўз ташлаган эдилар, холос (Ландау).

Фиске хоним ўз гуруҳи билан эркакларнинг аёлларга нисбатан адоват кайфиятини ҳам синаб кўрди. Маълум бўлишича, тажовузкорликка мойиллиги бўлган эркаклар чўмилиш кийимидаги аёлларнинг суратларини томоша қилаётганда, уларнинг миясидаги фикрлаш фаолияти ва бошқаларнинг ҳиссиётларини ўйлаб кўриш, оддий қилиб айтганда, ўйлаб иш қилишни бошқарувчи мия ҳудудларида фаолият энг кам бўлган.

«Бу пайтда эркаклар аёлларнинг ақли ҳақида ўйлаб ҳам кўрмас эканлар», - дейди Фиске хоним (Сикара, Дель-Аморе, Ландау).

Хуллас, уларнинг тадқиқотига кўра, эркаклар ўзларининг жозибасини бўрттириб кўрсатувчи аёлларни инсонийликдан узоқроқ деб қабул қилар эканлар.

Фискенинг «Islam Online»га тақдим қилган марузасига кўра, эркакларнинг атрофдаги воқеликни фаҳмлаб олиш тизими тормозланиб қолса, улар шахвоний ҳисларни кўзғатувчи аёлларнинг инсонийлик даражасини паст деб қабул қилар эканлар (Сикара).

Фиске хонимнинг айтишича, инсонда бошқа бир киши ҳақида бундай ёмон таассурот ҳосил бўлиши лаборатория тадқиқотларида кам учрайдиган ҳолдир. Бунга ўхшаш ҳолат фақат бир марта - яқинда «National Geographic»да чоп этилган мақолада қайд этилган эди. Унга кўра, тажрибада иштирок этган кишиларга дайдилар ва наркоманларнинг фотосуратлари кўрсатилганда, уларда нафрат ва ижирғаниш ҳислари уйғонганлиги кузатилган (Дель-Аморе).

Эркаклар ярим яланғоч аёлларнинг расмини кўрганда уйсиз дайдиларни кўргандагидек ҳолатга тушмадилар. Аксинча, тадқиқотлар бу эркакларнинг фотосуратдаги чўмилиш кийимини кийган аёлларни «итариб юборгиси», «кўлига олгиси», «тутиб олгиси» келганлигини қайд этишди (Дель-Аморе, Ландау).

Ушбу тадқиқотда иширок этган Принстон университети битирувчиси Мина Сикаранинг фикрича, эркаклар ўз аёллари ёки опа-сингилларига очик либос кийган аёлларга қарагандек қарамайдилар.

Бунинг устига, эркаклар тўлиқ ўранган аёлларнинг суратларини кўрганда ўз фикрларини асосан учинчи шахсда – «у итариб юборди», «кўлида кўтариб турибди», «тутиб олди» шаклида билдирганлар. Бу эса, Фиске хонимнинг фикрича, эркаклар ўранган аёлларни мустақил, ҳур аёллар деб қабул қилишларини, уларга нисбатан бирор хатти-ҳаракат содир этиш фикридан узоқ эканликларини кўрсатади (Эшлърман, Ландау).

Демак, юқоридаги илмий текширувлардан келиб чиқиб шу натижага етамизки, аёлнинг либоси қанчалик тўлиқ бўлса, унга ҳурмат шунчалик кўп бўлади.

Фиске хонимнинг айтишича, тадқиқот натижалари аёллар учун, айниқса эркак ва аёллар аралаш ҳолда ишлайдиган жойларда ғоятда муҳим хулосаларга олиб келади. Ўз аёллик жозибасини бўрттириб кўрсатиб юрадиган аёлларга кўп назар солиш эркакларнинг ўша аёлларга бўлган муносабатига ва бунинг салбий оқибатларига бевосита таъсир кўрсатади (Ландау, Семпл).

Luogens (Луоренс) университети профессори Питер Глик олиб борган тадқиқотда эркакларнинг аёлларга салбий муносабатда бўлиш сабаблари ўрганилди. Маълум бўлишича, ишхонада очик-сочик кийиниб юрадиган аёлларнинг савияси ва ақл-заковати, ҳаттоки улар раҳбар лавозимида бўлсалар-да, эркакларнинг назарида пастроқ туюлар экан. «Diversity Jobs» маълумотларига кўра, профессор Гликнинг тадқиқотларида *«юқори мансаб ва раҳбар лавозимида ишловчи аёллар қўл остидагиларнинг ҳурматида сазовор бўлишлари учун камтарона ва анъанавий кийинишлари керак»*лиги қайд этилган.

Бир қатор тадқиқотлар ҳам порнографияни томоша қилиш ва аёлларга нисбатан тажовуз ҳолатлари, шу жумладан зўрлашлар ўртасида бевосита боғлиқлик борлигини кўрсатмоқда. Босния ва Ироқда бўлиб ўтган урушларда мисли кўрилмаган ғайриинсоний жиноятларни содир қилган солдатларнинг аксарияти порнографиянинг ашаддий ишқибозлари эканлиги, ҳатто бундай суратларни қотилликлардан кейин «ўзига келиш» учун томоша қилишлари маълум бўлган (Чу, Рижали).

Фиске хоним ўз тадқиқот натижаларини бошқа олимларнинг хулосалари билан солиштириб кўриб, юқоридаги мазмундаги теледастурларни томоша қилиш ҳам инсоннинг зўравонликка бўлган эмоционал сезгисини сусайтириб юборишини қайд этди.

Ғурур ва ишонч

Камтарона ва анъанавий бичимдаги либосларнинг афзаллиги маълум бўлишига қарамай, ОАВда ҳижоб ҳақидаги фикрлар муслималарни камситилган ва ҳақсизлардек тасвирлайди. Бироқ, Карен Дениельсон хоним ҳижоб кийиш аёл кишида ўзига ишонч ва ғурур ҳиссини мустаҳкамлайди, - дейди.

Дениельсон хоним асли америкалик бўлиб, Иорданияда яшайди. У илк бор 1983 йилда Ислонни қабул қилганидан кейин ҳижоб кийган. «Кўчада

ҳижобда юраман. Ҳижобдалигимда менинг эркаклар учун гўзал ёки хунуклигимни ҳеч ким кўра олмайди, - дейди у «Islam Online» мухбири Каренга. Мени ўзимнинг ахлоқим ва заковатимга қарабгина баҳолашлари мумкин. Бу имкониятни менга ҳижобим беради. Чунки, мен кўзга ташланмайдиган, эркакларнинг эътиборини тортмайдиган либосда ва камтарона қиёфада бўламан», - деб сўзини давом эттирди.

«Мен ҳижобда ўзлигимни сақлаб қоламан, ўз фикрим, ўз қарашларимга эга бўламан, - деб суҳбатга қўшилади Сумайя Финниген. – Мен ҳамма нима деса шуни гапирмайман, ҳамма нима кийса шуни киймайман, мен қандай либос кийишни ўз эътиқодимдан келиб чиқиб танлайман. Бу эса мен учун мутлақо ҳурриятдир», дейди у.

1979 йилда Исломни қабул қилган америкалик муслима Билқис Муҳаммаднинг фикри ҳам худди шундай. Унинг айтишича, «ҳижоб аёлнинг ўзини ҳам, унинг атрофидагиларини ҳам камтарликка, ҳаёли бўлишга ундаб туради». Бугунги кунда Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган Билқис хоним қоматини ҳам, юзини ҳам бегона кўзлардан тўсиб юради ва *«бу нарса атрофдагиларни, айниқса бегона эркакларни кўзи ва тилини тийиб юришга мажбур қилади, менга бемаъни гап айтишга йўл бермайди»* дейди у.

Ҳижоб ва хавфсизлик

Иорданияда яшовчи яна бир америкалик аёл – Кари Абудеи ўн икки ёшидан буён Исломда экан. У ҳам «Islam Online»га интервью беришга рози бўлди. «Мен ҳижобда юрсам, камтарона кийинсам, ўзимни мутлақо хавфсиз сезаман», - дейди у. «Бу мени эркаклардан тўсувчи, уларнинг назарларидан менга ва менинг номусимга ҳурматсизлик қилишларидан ҳимоя қилувчи пардамдир. Бу парда мени тасодифан кўзи тушиб қолган бегона эркакнинг инстинктив (ғаризавий) синовчан назар ташлашидан, уларда менга нисбатан шахвоний майл уйғонишидан, ҳатто очик-сочик либос кийганларни кўрганда уларнинг фикридан ўтадиган хаёллардан ҳам ҳимоя қила олади», деб сўзини давом эттирди у.

Кари хоним яна ўз сўзида давом этиб, шундай деди: «Бу сенга шилқимлик қиладиган эркаклардан, уларнинг ёнингга келиб олишидан, гап отиб, сенга тикилиб туришидан ва ҳатто қўл текизишидан ҳимоя қилувчи мустаҳкам зирҳли қалқондир».

Асли Лондонлик бўлган Финниген хоним ҳижоб кийишни «Парвардигоримга итоат рамзи, аёлни жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам ҳимоя қилиш», деб ҳисоблайди ва ҳозирги ҳолатини 1999 йилда Исломга кириб, ҳижоб кийгунгача бўлган давр билан қиёслайди. «Баъзан, кимдир ортимдан эргашиб келмаяптимики, деб ҳатто ўз уйимга етиб олгунча кўрққанимдан сал ёпикроқ кийим кийиб олсам бўларкан, деб афсусланган пайтларим бўларди. Ҳар куни кечқурун уйга қайтар эканман, менга кимдир ташланиб қолмасмикан, номусимга тажовуз қилиб қолмасмикан, деб ортимга кўрқа-писа қараб келардим», - деб эслайди Финниген хоним.

Тўғри, аёлнинг хулқ-атвори ёки кийимидан қаътий назар унга тажовуз қиладиганлар ҳам топилади, деб тан олади Билқис хоним. Бироқ, унинг фикрича, «муслиманинг ҳижоби кўнгилсиз жисмоний тажовузлардан қўшимча ҳимоядир».

«Ҳижобнинг асосий мақсадларидан бири – бу аёлни маиший бузук кишиларнинг назаридан, шилқимлик қилиб, гап отадиганлардан ҳимоя қилишдир», - дейди ар-Риёздаги ал-Имом университети профессори Шайх Риёз ал-Мусаймирий.

«Islam Today» нашрига кўра, баъзи ғарб шарҳловчилари аёлнинг рўмол ўраши ўзининг ижтимоий мавқеи пастроқ эканлигини тан олишидир, деб ҳисоблайдилар. «Бундан ҳам қаттиқ адашиш мумкинми?! Ахир Қуръони Каримда бундай либосдан мақсад аёлнинг атрофдагилар томонидан ҳурмат қилинишидир, деб очиқ-ойдин айтилган-ку. Ҳижоб аёлнинг номидан унинг атрофдагиларига: «Мени инсон сифатида ҳурмат қил, шаҳватни қондирувчи омил сифатида эмас» деб туради, деб ёзади «Islam Today».

Билқис хоним ҳижоб кийишда бир лаҳза ҳам иккиланмаганлигини айтиб: «Менда хавфсизлик муаммоси бўлмаган. Мен бу ҳақда ҳеч қачон ўйлаб ҳам кўрмаганман», - дейди у. «Бу Аллоҳнинг фарзларини адо қилиш масаласи эди. Мен Исломни қабул қилиб, унинг ярмигагина риоя қилиб, бахтли бўла олмас эдим ахир. Мен ё муслима бўлиб, шариат аҳкомларига энг тўлиқ тарзда амал қилишим ёки аввалги ҳолимда қолишим керак эди».

«Менинг бу либосим менга ҳам, атрофдагиларга ҳам менинг кимлигимни, ахлоқимни, динимни эслатиб туради. Бу – энг олий мақом хавфсизликдир. Бу – тафаккур ва соғлом қалбдир. Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин», - деб суҳбатга яна қўшилади Дениельсон хоним.

Яҳудий ва Насроний динларида ҳижобнинг ўрни

Насронийликдан фарқли ўлароқ, Исломда ҳижоб эркакнинг аёл устидан ҳукмронлик белгиси эмас. Яҳудийликдан фарқли ҳолда ҳижоб зодагон эрлик аёлларнинг ўзига хос ажратувчи белгиси ҳам эмас. Ҳижобнинг Исломдаги маъно-моҳияти фақатгина аёлнинг инсонийлигини, унинг жамиятдаги ҳурмат-эҳтиромини ҳамда аёл зотининг шаънига бўладиган тажовуздан кўриқлашдир.

Аммо тақдирнинг ғаройиб ўйинига кўра, рўмол ёки бошни ўровчи кийимни агар бир католик монах аёл ўраса авлиёлик рамзи, Яратганнинг «киёфаси» ва «шарафи» бўлган эркакнинг аёл устидан «ҳукмронлик белгиси» сифатида қаралади-ю, худди шу кийимни бир мусулмон аёл ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ўраса, аёлнинг камситилиши ва унга бўлган жабру зулмнинг зоҳир бўлиши деб баҳоланади...

Ғарбликлар нуқтаи назаридан аёлларга жабр-зулм ва уларни камситишнинг энг ёрқин тимсоли бўлмиш ҳижоб ёки ёпинчиқ масаласига ойдинлик киритишимиз лозим бўлиб, бу борада яҳудий ва христианлик анъанасида ҳам аёлларнинг ёпиниши ва бошини ўраши бўлганми? деган савол туғилади.

Библия адабиёти бўйича профессор Раввин Менаҳаем Брайер ўзининг «Яҳудий аёли раввинлик адабиётида» номли китобида ёзишича, яҳудийларда аёллар жамоат жойларида ундай-бундай ҳолда эмас, балки айнан бошларини ўраган ҳолда, баъзан эса ҳатто кўздан бошқа ҳамма жойини беркитган ҳолда кўриниши русум бўлган. Муаллиф қадимий устозлардан бирининг сўзини қуйидагича келтиради:

«Исроил қизларига бошлари очик ҳолда чиқиш ярамайди. Ўз хотинига сочларини кўрсатишга рухсат берган эркакка лаънат бўлсин. Ўз сочларини зийнат учун кўз-кўз қилувчи аёл бахтсизлик келтиради».

Раввинлик ҳуқуқ бўйича, боши очик ҳолдаги турмуш қурган аёллар иштирокида Худога ҳамду сано айтиш ёки ибодат қилиш тақиқланади. Зероки, боши очик аёл «яланғоч» ҳисобланади. Шу билан бирга, бошини ўраб юриш ҳамиша ҳам камтарлик аломати ҳисобланмасди. Баъзан рўмол ўраш кўпроқ аёлнинг олий насабини, унинг эгалик эканлигини, унга ёндошиш мумкин эмаслигини, унинг эрининг тақводор эканлигини

кўрсатган. Паст табақали аёллар кўпинча юқори ижтимоий мавқега эгадек бўлиб кўриниш учун ҳам рўмол ўраганлар.

Европада яхудий аёллар XIX асргача, яъни уларнинг ҳаёти дунёвий маданият билан боғланиб қолган давргача, бошларини ўраб юришни давом эттирганлар. Ундан кейин эса баъзи яхудий аёллар бошни ўровчи ўзига хос восита сифатида парик кия бошладилар. Бугун эса уларнинг энг художўйлари ҳам бошларини ўрамайдилар, аммо уларнинг баъзи аёллари, масалан, ҳасидларнинг вакиллари ҳалигача парик кийишни давом эттирмоқдалар.

Христианликка келадиган бўлсак, католик монах аёллари бир неча асрлардан буён бошларини ёпиб келадилар. Аммо масала фақат шу билан тугамайди. Аёлларнинг бошларини ўрашлари ҳақида «авлиё» Павелнинг Инжилдаги айтганлари жуда ҳам қизик:

«Шунингдек мен ҳар қандай эркакка бошлиқ – Масих, хотинга бошлиқ – эр, Масихга бошлиқ – Худо эканлигини билишларингизни истайман. Боши ёпиқ ҳолда ибодат ёки башорат қилувчи эр киши ўз бошини маломатга қолдиради ва шунингдек боши очиқ ҳолда ибодат ёки башорат қилувчи аёл ҳам бошини маломатга қолдиради, чунки бундай қилиш у (аёл)нинг боши қириб ташланиши билан бир хил; агар аёл бошини ўрашни истамаса, уни қириб ташласин; агар аёл сочи қирқилишидан ёки қириб ташланишидан уяладиган бўлса, унда бошини ўрасин.

Шундай қилиб, эркак бошини ўраши керак эмас, у Худонинг қиёфаси ва шарафидир; хотин бўлса эрнинг шарафидир. Чунки, эркак аёлдан эмас, балки аёл эркакдан бунёд бўлган, эр хотин учун эмас, балки хотин эр учун яратилган. Шунинг учун ҳам аёл ўз бошида унинг устидан фаришталар учун ҳукмронлик белгисига эга бўлиши лозим».

Манба: 1 Коринфликларга 11: 3-10.

Шундай қилиб, муқаддас Павел аёлларга Худонинг қиёфаси ва шарафи бўлган эркакларнинг улар устидан ҳукмронлик белгиси сифатида бошларини ўраб юришларини буюради. Католик черковининг диний ақидалари ҳам аёлларга черковда бошларини ўраб юришни буюради.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шуни айта оламизки, аёллар бошларини ўраб юриш «удуми» Ислом томонидан кашф ва таъсис этилмаган. Аммо бу урф-русум Ислом томонидан қўллаб-қувватланган. Куръони Карим иймонли аёлларга ўзларидан камтаринлик ва ифбатлилик кўрсатган ҳолда бошларини, кўкракларини ва бўйинларини ёпиб юришларини таълим беради:

قُلْ لِّلْمُؤْمِنِينَ يَغُضُّوا مِنْ أَبْصَارِهِمْ وَيَحْفَظُوا فُرُوجَهُمْ ۚ ذَٰلِكَ أَرَكُمُ لَهُمْ ۗ إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا يَصْنَعُونَ ﴿٣٠﴾ وَقُلْ لِّلْمُؤْمِنَاتِ يَغْضُضْنَ مِنْ أَبْصَارِهِنَّ وَيَحْفَظْنَ فُرُوجَهُنَّ وَلَا يُبْدِينَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا ۗ وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَىٰ جُيُوبِهِنَّ ۗ

«(Эй Муҳаммад,) мўминларга айт: кўзларини (номаҳрам аёлларга қарашдан) тийсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар. Ана шу (иш) улар учун покроқдир. Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларидан хабардордир.»

«Мўмина аёлларга айт: кўзларини (эркакларга бўлган шаҳватли нигоҳлардан) тийсинлар. Ва авратларини (зинодан) сақласинлар ҳамда кўришиб турадиган (яъни юз, кафтлар ва оёқларнинг тўшиқдан паст қисми)дан бошқа зийнатларини кўрсатмасинлар. Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар. (Токи, бўйин, кўксилари ва кўкраклари кўринмасин)...» (Нур сураси, 30 ва 31-оятлар).

Авратлар нега бунчалик муҳим?

Куръони Карим буни қуйидагича изоҳлайди:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ قُلْ لِّأَزْوَاجِكَ وَبَنَاتِكَ وَنِسَاءِ الْمُؤْمِنِينَ يُدْنِينَ عَلَيْهِنَّ مِنْ جَلَابِيبِهِنَّ ۚ ذَٰلِكَ أَدْنَىٰ أَنْ يُعْرَفْنَ فَلَا يُؤْذَيْنَ ۗ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَّحِيمًا﴾

«Эй Пайгамбар, жуфтларингга, қизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини (узун рўмолларини ёки бутун баданларини ёнадиган кенг кийимларини) ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша уларнинг (ким эканликлари) танилиб, озорга учрамасликлари учун энг яқин (услубдир). Аллоҳ ўта мағфиратли ва раҳмли зотдир» (Аҳзоб сураси, 59 – оят).

Авратни яшириш аёлни унинг шаънига тегишдан кўриқлашга қаратилган. Яъни аёллар боши ва баданини ёпиб юришга буюрилишидан кўзланган ягона мақсад жамиятда уларнинг шаъни ва ҳурматини сақлаб қолиш ҳамда уларни нопок кўзлардан ҳимоя қилишдир, холос.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* муслима аёлларнинг жамиятда ҳижоб кийишлари билан бирга уларнинг ҳаё-ибо, иффат ва покдомонликлари сақланиб қолишига алоҳида эътибор қаратардилар. Бу борада қуйидаги ривоятни келтирамыз:

Сарвари коинот ўзларининг охири ҳажларини амалга ошириб қайтиб келаётганларида ул зот машҳур «Ғадийр» номли хутбаларини ўқидилар. Шундан сўнг йиғилганлар Расулуллоҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг ҳузурларидан фойдаланиб ўзларининг турли саволлари билан ул ҳазратга мурожаат қилишар, саволларига жавоб олишар эди. Шунда ҳозир бўлганлар орасидан бир аёл чиқиб ҳазратнинг олдиларига келиб, ўзининг саволларини ул ҳазратдан сўрай бошлади.

Ул ҳазратнинг Фазл бин Аббос номли саҳобалари Расулуллоҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг орқаларида ўтирган эди. Ҳалиги савол берувчи аёл келгандан бери кўзини ундан узмас эди, ўз навбатида у аёл ҳам кўз қирини Фазл бин Аббосга ташлаб турар эди. Буни сезган Расулуллоҳ *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* кўлларини Фазлнинг бошига қўйиб, оҳиста ва меҳрибонлик билан юзини тескари ўгириб қўйдилар-да, сўнгра шундай дедилар:

«Бир ёш йигит ва ёш аёл орасида шайтон макон қилиб олишидан кўрқаман».

Бугунги кунга келиб ижтимоий тармоқларда номахрам эркак ва аёллар орасидаги муносабатлар, айниқса хотин-қизларнинг ҳижоб ва ёпинчиққа ўранишлари масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Шунини инобатга олган ҳолда Аллоҳ таолонинг ушбу фарз амали муслима аёлларимиз орасида кенг ёйилишини истаб ва бу хусусда зиммамизда улкан вазифа борлигини тушуниб етганимиз учун ҳижобнинг турли қирраларини диққат-ла ўрганиб чиқиб сиз азизларга тақдим этдик.

Ҳижоб кийиш аёлларга қачондан бошланиб қачонгача давом этади?

Бу ерда аёлларнинг ҳижоб ва ёпинчиқ кийишлари қачондан вожиб бўлади ва қачонгача давом этади? деган бир муҳим савол ҳаммада туғилиши мумкин. Ушбу саволга жавобан шуни айтишимиз лозимки, қиз болалар ҳижрий қамарий йили ҳисоби билан тўққиз ёшга ва милодий йили ҳисоби билан эса 8 йил, 8 ой ва 28 кунга тўлганида, Ислом дини шариати нуқтаи назаридан балоғат ёшига етадилар ва шариати исломияда бу ёшга «таклиф ёши» ҳам дейилади. Ушбу «таклиф ёши»га етган қиз болаларга шариат аҳкомлари, жумладан намоз ўқиш, Рамазон ойида рўза тутиш ва ўзини номаҳрам эркаклардан беркитиш учун ҳижоб ва ёпинчиқ кийиб баданининг қалтис жойларини ёпиш вожиб бўлади.

Юқорида айтилган масала Исломдаги барча мазҳаблар томонидан иттифоқи назар билан қабул қилинган. Демак, аёлларнинг ҳижоб кийишлари неча ёшдан уларга вожиб бўлиши маълум бўлди. Бироқ аёлларнинг ҳижоб ва ёпинчиқ кийишлари айрим фарз амаллар каби умларининг охирига қадар вожиб бўладими ёки маълум ёшга етганларида бу фарз амал уларнинг зиммасидан кўтариладими? деган саволнинг жавобини Қуръони Каримнинг қуйидаги оятидан кўриб чиқамиз:

وَالْقَوَاعِدُ مِنَ النِّسَاءِ اللَّاتِي لَا يَرْجُونَ نِكَاحًا فَلَيْسَ عَلَيْهِنَّ جُنَاحٌ أَنْ يَضَعْنَ ثِيَابَهُنَّ غَيْرَ مُتَبَرِّجَاتٍ بِزِينَةٍ ۗ وَأَنْ يَسْتَعْفِفْنَ
خَيْرٌ لَّهُنَّ ۗ وَاللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٦٠﴾

«Турмуш қуришни умид қилмайдиган, кексайиб - ўтириб қолган аёлларга зеб-зийнат билан безанмаган ҳолларида кийимларини [рўмол ва ёпинчиқларини] олиб қўйишларида бирор гуноҳ йўқдир. Ифбатли бўлишлари ўзлари учун яхшироқдир. Аллоҳ ўта эшитгувчи, ўта билгувчи Зотдир» (Нур сураси, 60-оят).

Ҳадиси шарифларда баён қилинганидек, ушбу оятдаги «кийимлар»дан мурод жилбоб (тўнга ўхшаш аёлларнинг бутун танасини тўсадиган устки кийим) ва химор (аёлларга хос бўлган соч, бўйин ва кўкракни беркитувчи рўмолга ўхшаш бош кийим)дир.

Шубҳасиз, ушбу ояти каримада ўта қариб кексайиб қолган ва бунинг натижасида никоҳ ва турмуш қуришдан умуман умидсизланиб қолган

аёлларга, бошқа таъбир билан айтганда, кексайиш натижасида аёллик таровати, чиройи ва нафосатини ҳамда табиий жозибасини йўқотиб турмуш қуришни умид қилмаган аёлларга ҳижоб киймасликка рухсат борлиги баён қилинган ва улар эгниларидаги жилбобни ва бошларидаги химорни (рўмолни) олиб қўйсалар ҳам, уларга ҳеч бир гуноҳ йўқлиги айтилган. Шарти шуки, улар ўзларини турли зеб-зийнатлар билан безамасинлар. Кекса ёшдаги аёлларга ҳижобни ечишга рухсат берилганининг сабаби бу ёшдаги аёллар ҳижобсиз ҳолда юрсалар ҳам, жамиятда фасод, бузғунлик ва ахлоқсизликка олиб келмайди. Аммо шунга қарамай, улар ўзларини ҳижоб ва ёпинчиқ билан беркитиб ифбатлилик ва покдомонлик йўлини тутсалар, улар учун яхшироқдир, деб оятнинг давомида айтилган.

Маъсум имомларимиздан мазкур оятнинг тафсирида келган ҳадисда шундай дейилган:

وعن على بن إبراهيم، عن أبيه، عن ابن أبي عمير، عن حماد، عن الحلبي، عن أبي عبد الله عليه السلام «أنه قرأ ﴿أَنْ يَضَعْنَ ثِيَابَهُنَّ﴾ قال: الخمار والجلباب. قلت: بين يدي من كان؟ قال عَلَيْهِ السَّلَامُ: بين يدي من كان، غير مترجة بزينة، فإن لم تفعل فهو خير لها» [۲]

Ҳалабий Абу Абдиллоҳ (имом Жаъфари Содиқ *(алайҳис салом)*)дан ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда ул ҳазрат «**кийимларини олиб қўйишларида...**» оятини ўқиб: «Кийимларидан мурод «Химор» [рўмол] ва «Жилбоб» [бутун танани тўсадиган ёпинчиқ]», - дедилар. Шунда мен: Ҳар кимнинг ҳам олдида кийимларини киймай олиб қўя ололадиларми? деб сўрадим. Ул ҳазрат: «Зеб-зийнатлар билан безанмаган ҳолда ҳар кимнинг ҳам олдида кийимларини олиб қўя ололадилар, агарчи бу ишни қилмасалар, улар учун яхшироқдир», - дедилар.

Манба: Шайх Ҳур ал-Омилий, “Васоил аш-шиъа” 14-жилд, 147-бет, 110-боб, 2-ҳадис.

Демак, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб шу хулосага келамизки, аёллик таровати, чиройи ва нафосатини қўлдан берган кекса ёшли аёлларга ҳижоб ва ёпинчиқ кийиш вожиб эмас, лекин ҳижобга ўраниб юрсалар ҳам, ўзлари учун яхшироқ бўлади.

Ҳижоб ҳақидаги саволлар ва шубҳалар

Ҳижоб кийишга қарши бўлганлар томонидан айрим савол ва шубҳалар илгари сурилган бўлиб, уларни шу ерда ўрганиб чиқамиз.

1. Шубҳа: Ҳижоб кийишга мухолиф бўлганларнинг ҳаммаси бир назар билан билдирган асосий шубҳаларига кўра, аёллар ва хотин-қизлар жамиятнинг яримини ташкил этади, бироқ ҳижоб кийиш ва ўраниш уларнинг жамиятда яққаланиб қолишларига сабаб бўлади ва бунинг оқибатида улар фикрий ва маданий соҳаларда орқада қоладилар. Айниқса, илм-фан ва саноат ривожланаётган даврда фаол инсоний кучларга эҳтиёж сезилаётган бир пайтда ҳижоб кийиб ўраниш аёлларнинг истеъдод ва қобилиятларидан фойдаланишга тўсқинлик қилади, маданият ва таълим олиш муассасаларида уларнинг ўрни бўш қолади! Шу тартибда улар фақат истеъмол қилувчи шахслар бўлиб қолиб жамият учун ортиқча юкка айланадилар.

Жавоб: Бундай мантиқ асосида сўз юритадиганлар бир неча масаладан буткул беҳабардирлар. Зеро, биринчидан; ким айтдики, Қуръони Каримда буюрилганидек ҳижоб кийиш аёлларни яққалаб қўйиб жамиятдан узоқлаштиради деб? Айрим ислом давлатларида жамоат жойларида – ўқув маскани, таълим муассасалари, давлат идоралари, радио-телевидиниялар, шифохоналар ва соғлиқни сақлаш марказларида жуда кўп ҳижобли аёллар фаолият кўрсатадилар ва ҳижоб кийиш уларнинг қилаётган фаолиятларига бирор монелик қилаётгани йўқ. Демак, ҳозирги кунда амалда кўриб турган вазиятдан келиб чиқиб шу хулосага келамизки, аёлларнинг ҳижоб кийиши уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги фаолиятларининг олдини олаётгани йўқ, балки ҳижобга ўраниш уларга ўзларини қулай ҳис қилган ҳолда озод фаолият юритишлари учун шароит яратади.

Иккинчидан, айтилганлардан ташқари уй юмушларига етишиш ва келажакда жамиятга фойдали бўлган етук фарзандларни тарбиялаш жуда улкан бир иш эмасми?! Аёлнинг ушбу улкан бурчини ижобий иш деб ҳисобламайдиганлар унинг оила ва фарзанд тарбиялашдаги ўрни ҳамда соғлом ва ҳаракатчан жамият етиштиришдаги ролидан беҳабардирлар. Бундайларнинг фикрича, мусулмон эркак ва аёллар худди оврўпалик эркак ва аёллар каби эрталабдан туриб идора ва корхоналарда ишлаш учун уйни тарк этиб, болаларини боғчага топшириб ёки уларни уйда қолдириб кетиб, уларга очилмаган ғунчалик чоғиданоқ ҳаётнинг аччиқ таъмини тоттириш

керак. Ҳолбуки, бундай йўл тутиш болалар шахсияти оёқ-ости бўлиб, жамиятнинг келажагини хатар остида қолдирадиган руҳсиз ва инсоний туйғусиз шахслар бўлиб етишишларига олиб келади.

2. Шубҳа: Ҳижобга ўраниш борасида илгари сурилган шубҳалардан яна бири қуйидагича баён қилинган: Ҳижоб кийиш эркаклар билан аёллар ўртасини ажратгани сабаб эркакларнинг аёлларга бўлган жинсий иштиёқ ўтини сўндириш ўрнига баттар алангалайди. Зеро, инсон ман этилган нарсага ҳарис ва иштиёқманд бўлади.

Жавоб: Бу шубҳа ёки аниқроғи сафсатага жавобан шуни эслатиш лозимки, аёллар ҳижобга ўранган жамият билан аёллар ҳижобсиз очик юрган жамиятни муқояса этсак, ошкора маълум бўладикки, аёллар ҳижобда юрган ўлкаларда фисқ-фасод ва ахлоқий бузуқликлар, оилаларнинг бузулиши ва отаси номаълум бўлган болаларнинг туғилиши ва шуларга ўхшаш кўпгина муаммолар аёллар очик юрган жамиятга қараганда, жуда оздир. Демак, аёлларнинг ҳижобда юришлари жамиятда юзага келадиган кўпгина ахлоқий бузуқликларнинг олдини олади ва жамиятнинг руҳий соғломлигини таъминлаш билан бирга, инсонлар осойишта ва бахтиёр яшашларига сабаб бўлади.

3. Шубҳа: Айримлар ўзларича, муҳими ҳижоб эмас, муҳими қалб поклигидир. Ҳижоб, ҳижоб дейсизлар-у, аммо кўп ҳижобли аёлларни кўряпмиз, ҳижоб ичида кўзи олма-кесак теради ёхуд ҳижоб кийиш арабларнинг миллий кийимидир, ўраниб юрмаса ҳам бўлаверади, деган фикр-мулоҳазалар билан Аллоҳ таолонинг Қуръони Каримдаги фарзини савол остига қўйишга интилганлар.

Жавоб: Юқоридаги шубҳаларга жавобан, бир неча масалаларни кўздан кечирмоқ лозим;

Биринчидан, қалбнинг соф ва тозалиги амалда Аллоҳга итоат қилиш билан исботланади. Шу боис, инсон Аллоҳ таолога итоат қилган ва фарзларни бажарган миқдорда унинг қалби соф ва тоза бўлади. Фарзлар ичига аёлларнинг авратларини эркаклардан тўсиб юришлари ҳам кирагани учун бу амалга нисбатан бефарқ ва эътиборсиз бўлиш ярамайди. Бунга қўшимча, Аллоҳ таоло ва ислом қалбда бўлади дейиш худди имтиҳонда синов қоғозини оппоқ ҳолда топшириб, илм бошда бўлади, дейишга ўхшайди.

Иккинчидан, эсимиздан чиқармайлик, одамларга қараб, исломга ҳукм қилинмайди, аксинча, исломга қараб одамларга ҳукм қилинади. Бунинг маъноси ҳижоб кийиб, исломга қарши амал қилган аёлларга қараб, ислом шунақа экан дейилмайди.

Учинчидан, аёлларимизда ҳижобга бўлган нотўғри қараш шаклланишида ўзбек кинофильмларининг ҳам хизмати бор. Масалан, «Алданган аёл» каби фильмлар чиқариб, халқимизга ўта кучли руҳий зарба беришди, ваҳҳобийлик ва диний экстремизмнинг олдини олиш тадбир-чоралари билан ҳижоб кийиш каби Аллоҳнинг фарзларини бажаришга тўсиқлар яратишди. Бунинг натижасида ҳозирги кунда мусулмонлар орасида ҳам хотин-қизларнинг ҳижобда юришларига қарши бўлганлар истаганча топилади.

Сўзимиз пировардида шуни эслатиб ўтишимиз керакки, бундай тадбир-чоралар ва уринишлар билан Аллоҳ таолонинг аҳкоми ва нурини сўндириб бўлмайди. Негаки, Тангри таоло Ўзининг ҳикматли китоби бўлмиш Қуръони Каримда бу борада шундай марҳамат қилган:

﴿يُرِيدُونَ لِيُطْفِئُوا نُورَ اللَّهِ بِأَفْوَهِهِمْ وَاللَّهُ مُتِمُّ نُورِهِ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ﴾

«Улар Аллоҳнинг нурини оғизлари билан сўндирмоқчи бўлурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ, гарчи кофирлар ёқтирмасалар-да, Ўз нурини тўла ёйгувчидир» (Саф сураси, 8-оят).

ҲИЖОБЛИ АЁЛ ШЕЪРЛАРИ

Кўзинг-у, қалбингни забт этган тўлиб

Нафосат ҳақида сурсанг гар хаёл.

Нуксонсиз гўзаллик тимсоли бўлиб

Юрган бир ҳасратдир ҳижобли аёл!

Бироқ осон эмас юрмоқ ҳижобда,

Бугун бу кўпларга келмоқда малол.

Ҳис қилар ўзини бегона дунё,

Келгинди хилқатдир ҳижобли аёл.

Авж олган бузуқлик, масиятлардан,

Не-не қадриятлар бўлди-ку увол.

«Эй Роббим, паноҳ бер!» дея булардан

Беркирган сувратдир ҳижобли аёл.

Кўплар аёл номин бўлғайди тинмай,

Авратлар очилиб, бўлишар хушҳол.

Тақвосин кўрсатиб, ўзин кўрсатмай

Сақланган сийратдир ҳижобли аёл.

Миллат-у, динини кўплар унутиб

Гуноҳлар қаърида топаркан завол,

Тақвоси тимсоли либоси бўлиб

Динига қувватдир ҳижобли аёл.

Беҳаё кимсалар, динсиз жоҳиллар

Масхара қилганда уни бемалол.

«Аллоҳим, уларга ҳидоят бер», деб

Энг яхши нијатдир ҳижобли аёл.
Унинг мавжудлиги кўнгилга малҳам
Кўз қувнар, қалб эса бўлмагай беҳол.
Китоблар ёқилиб кетганида ҳам
Исломга ҳужжатдир ҳижобли аёл!
Даъватлар тўхтаган телба диёрда
Ҳар кимнинг кўнглида катта бир савол.
Индамай кетса ҳам кўзлари ерда
Катта бир даъватдир ҳижобли аёл.
Унга ҳавас қилгум, дегум, «эй синглим,
Эрларга таквода ўрнак бўлиб қол!»
Иймондан воз кечган эркаклар учун
Энг яхши ибратдир, ҳижобли аёл.

**NAJOTKEMASI.NET – Халқаро Исломий Ахборот ва
Тадқиқот Марказида тайёрланди.**